БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 27 декабрь
Пайшанба
№ 248 (13.684).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

ССЖИ халқ депутатларининг IV съездида

М. С. Горбачев: «Аниқ ва қатъий чоралар кўриш керак»

«Ҳар хил бузғунчи унсурлар айирмачилик йўлида ҳийла-найранглар ишлатмоқдалар — бу уларнинг асосий ишидир», — деди М. С. Горбачев 25 декабрь куни ССЖИ халқ депутатлари IV съездининг мажлислар залидан ташқарида журналистлар билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида. Марказ билан жумҳуриятларнинг ваколатларини тезроқ фарқлаб олиш, мустақиллик тушунчасини аниқ мазмун билан тўлдириш керак, деди у. Ҳар бир жумҳурият бир-бирларисиз яшаш мумкин эмаслигини тушуниб етди. «Ажралишиб кетсак, ҳалок бўламиз», — деди Президент.

Матбуот вакилларидан бири Болтиқбўйи раҳбарлари бу фикрга қўшилмаяптилар-ку, деди.

«Менингча, Болтиқбўйи раҳбарлари айнан ҳозир умуман биз иттифоқдан чиқамиз, демаётганларга қараганда фаолроқ ҳаракат қилмоқдалар, — деб жавоб қайтарди Президент. Улар панд еб қолганликлари учун шундай қилмоқдалар, чунки улар Ғарб мамлакатларида ҳам, Шимол мамлакатларида ҳам бўлдилар. Ана шундан кейин ҳам олдиларида иқтисодий муаммолар турганлигини тушуниб етдилар. Улар, ўйлашимча, ўзларининг сиёсий ниятларини рўёбга чиқаришни истамоқдалар.

Менингча, деб давом этди Михаил Сергеевич, биз ҳозирдаёқ катта йўлни босиб ўтдик ва икки-уч йил аввал мутлақо эришиш қийин бўлиб туюлган нарсалар ҳозирги кунда воқеликка айланди. Биз шундай босқичда турибмизки, бунда сиёсий тузилмалар ҳам ўзгармоқда, иқтисод ҳам чуқур ўзгаришлар палласида турибди. Бугун эса барқарорлик керак. Ана шундан кейин бозорга ўтилади. Иттифоқ шартномасини қабул қилиш зарур. Бу ишга бировлар олдинроқ, бошқа бировлар эса кейинроқ киришади. — Бундан чўчимаслик лозим. Аммо конституциявий жараёнга ўтиш керак, акс ҳолда уларнинг ҳаммаси ҳалокатли тус олади.

М. С. Горбачев мамлакатда сиёсий беқарорлик қанча вақт давом этади, — деган саволга жавоб қайтариб, шундай деди: биз мана шу яқин ойлар ичида бир-биримизни тушуниб етсак, аминманки, келгуси йил давомидаёқ барқарорлаша оламиз. Аммо бунинг учун сиёсий масалаларда ҳам, молиявий ишларда ҳам ғоят аниқ ва қатъий чора-тадбирларни қўлланишга киришимиз керак.

Президент ССЖИда рўй бераётган ҳамма жараёнларни ҳам баъзан идрок этолмаётган хориждаги кишиларни тушунаман, деди. Биз кечиши осон бўлмаётган чуқур жиддий ўзгаришларга қўл урдик, аммо бардош бериш керак. Ваҳоланки, ҳатто айблашларга ҳам бориб етмоқдалар, съезд ҳам Президентни ҳайдаш керак, деган таклифдан бошланди. Бу жараённи кузатар эканман, чуқур қониқиш сезяпман, деб айта олмайман. Бу ҳол муайян ҳаяжонланишга олиб келади, аммо мен бунга сиёсий ва фалсафий нуқтаи назардан ёндашишга ҳаракат қиламан. Айни вақтда бундай ҳолларни келиб чиқишига ҳар қалай вазиятнинг кескинлиги сабаб бўлаётганлигини сезиб турибман. Бундай вазиятни бартараф этиш керак, ана шунда жараёнлар бирмунча осойишта, амалий тарзда кечади. Барқарорлаштириш вазифаси — бугунги кундаги энг муҳим вазифадир.

Ўйлайманки, Шеварднадзенинг қарори ҳам ана шу вазият билан боғлиқ, — деб давом этди Президент. — Эҳтимол, маълум даражада у бундай қилишга ҳақлидир. Ҳозир бизда ҳамма шундай ҳуқуққа эга. Илгари ҳуқуқ бўлса-да, ундан фойдаланиш мумкин эмас эди. Ҳозир у ҳатто сукут сақлаши ҳам мумкин эди. У эса гапирди. Аммо Шеварднадзе шундай одамки, у қайта қуриш учун кўп иш қилди, деб ўйлайман. Аминманки, у ҳали кўп иш қилади. У қаерда ва қандай иш билан шуғулланиши ҳали маълум эмас. Ҳозирча мен унга: «ўз вазифангизни бажаришни давом эттиринг», дедим.

И. ВЕКСЛЕР,
ТАССнинг парламентдаги мухбири.



Москва, Кремль. Съездлар саройи.
Съезднинг ҳатто танаффуси ҳам баҳсларга бой ўтмоқда.

ЎзТАГ сурати.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТЛАРИ ИТТИФОҚИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СЪЕЗДИНИНГ ҚАРОРИ

ЯНГИ ИТТИФОҚ ШАРТНОМАСИНИНГ УМУМИЙ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА УНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

1. ССЖИ халқ депутатлари съезди халқларнинг тарихий бирлигидан, улар ўртасида асрлар давомида таркиб топган алоқалардан келиб чиқиб, мамлакатнинг бутунлигини ва унинг Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқи номи сақланиб қолишини, кўп миллатли давлатимизни суверен жумҳуриятларнинг ихтиёрий тенг ҳуқуқли иттифоқига — демократик федератив давлатга айлантиришни ёқлайди.

Халқларнинг иродасига ҳамда жумҳуриятлар ва мухториятларнинг давлат суверенитети тўғрисидаги декларацияларида баён қилинган қоидаларга асосланган янгиланган иттифоқ: миллати ва яшаш жойидан қатъи назар мамлакат барча фуқароларининг тенг ҳуқуқлилигини; сон жиҳатидан катта-кичиклигидан қатъи назар халқларнинг тенг ҳуқуқлилигини, уларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва эркин демократик ривожланиш қонуний ҳуқуқларини, федерация субъектларининг ҳудудий яхлитлигини; майда миллатлар ҳуқуқларининг кафолатларини; тинчлик ва халқаро хавфсизлик кафолати бўлган иттифоқнинг мавқеи ва обрўсини мустаҳкамлашни таъминлаши лозим.

2. Янги иттифоқ шартномаси лойиҳасини тайёрлашга доир ишларни ташкил этиш, уни тузиш тартибини белгилашни федерация субъектлари — жумҳуриятлар ва мухтор тузилмалар олий лавозимли шахслари, ССЖИ Президенти, ССЖИ Олий Кенгашининг Раиси ва ССЖИ Олий Кенгаши Миллатлар Кенгашининг Раисидан иборат тайёргарлик қўмитасининг амалга ошириши мақсадга мувофиқ деб топилсин. Лойиҳа матнини ишлаб чиқиш чоғида съездга тақдим этилган умумий концепцияга, шунингдек, федерация субъектларидаги мавжуд концепцияларга асосланиб, ССЖИ халқ депутатлари ҳамда жамоатчилик айтган таклифлар ва мулоҳазалар ҳисобга олинсин.

Тайёргарлик қўмитасига 1991 йил январидан ишга киришиш тавсия қилинсин.

3. ССЖИ Олий Кенгашига ва ССЖИ Президентига жумҳуриятлар давлат ҳокимияти олий органлари билан биргаликда янги иттифоқ шартномасини тузишгача ўтадиган даврда давлат идоралари системасининг барча бўғинлари нормал ишлашини таъминлаш чораларини сира кечиктирмай белгилаш топширилсин.

Иттифоқ билан федерация субъектлари ўртасидаги, иттифоқ билан алоҳида олганда федерациянинг ҳар бир субъекти ўртасидаги ваколатларни фарқлаб қўйиш биринчи навбатда келишиб олинсин.

Съезд таъкидлайдики, барча давлат идоралари янги иттифоқ шартномаси имзолангунга қадар амалдаги ССЖИ Конституциясига ва иттифоқ қонунларига риоя қилишлари, федерация субъектларининг суверен ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситувчи қарорлар қабул қилишга йўл қўймаслик тотувликка эришишнинг асосий шартидир.

4. ССЖИ халқ депутатлари съезди янги иттифоқ шартномасини тузишни мамлакатдаги вазиятни нормал изга солишнинг, жамиятни жипслаштиришнинг энг муҳим омили деб ҳисоблаб, федерация субъектлари давлат ҳокимияти ваколатли органларига мурожаат қилиб иттифоқ шартномасини тайёрлаш ва уни тузишни таъминлашга даъват этади.

Съезд ҳозирги тарихий даврда барча фуқаролар, сиёсий фирқалар, жамоат ҳаракатлари мамлакат тақдири учун, халқларимизнинг келажаги учун юксак фаоллик, фуқаролик масъулиятини намойиш этадилар, деб умид қилади.

ССЖИ Олий Кенгашининг Раиси А. ЛУКЬЯНОВ.
Москва, Кремль.
1990 йил 25 декабрь.

ЯНГИ ЙИЛ АРАФАСИДА

ҚЎРҒОНТЕПА ноҳиясидаги қўҳна Дардоқ қишлоғида янги йил арафасида янги бозор очилди. Уни Мақсаллий қишлоқ матлубот жамиятининг қурилиш бригадаси бунёд этди. Бозор ёнида чойхона, маҳсулотлар сақланадиган омборлар бор.

Ширкатчилар қишлоқларнинг қиёфасини ўзгартиришга ғайрат билан киришдилар. Улар Қизилоёқ қишлоғида жамоатчилик марказини фойдаланишга топширдилар, бу ерда универмаг, чойхона, гўшт ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари дўконлари қурилди. Эски дўконларнинг кўпчилиги таъмирланди, янги дўконлар қурилди, тандирхоналар, ошхоналар ишга туширилди. Буларнинг ҳаммаси ширкатчиларга товар обороти бўйича беш йиллик режаларини муддатидан илгари бажариш имконини берди.

* * *

«ГУЛИСТОН» давлат хўжалиги деҳқонлари ҳамда чорвадорларининг саккиз юз нафардан зиёд фарзанди янги йил байрамини янги мактабда кутиб олади.

1-«Андижаноблагропромстрой» бирлашмаси 114-маҳаллий кўчма механизациялашган колоннаси билан 116-маҳаллий кўчма механизациялашган колонна бинокорлари замонавий уч қаватли мактаб биносининг рамзий калитини унинг бўлажак эгаларига топширдилар. Бинокорлар ушбу иншоотни фойдаланишга топшириш муддатини тезлаштириб, уни ярим йил олдин болаларга совға қилишди.

Янги мактабда мажлис ва спорт заллари, ўйин ва спорт майдончалари, ёш табиатшунослар полизчилик билан шуғулланиши, мевали боғлар ва узумзорлар барпо этиши учун ер ҳам ажратилган.

(ЎзТАГ мухбири).

Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ...

МОСКВА, 25 декабрь. ЎзТАГ махсус мухбири А. Барановдан:

Мамлакат халқ депутатларининг тўртинчи съезди ниҳоясига етай деб қолганга ўхшайди. Лекин қизғин мунозаралар давом этаяпти.

Ўзбекистондан борган депутатлар ҳам муҳокамадан четда қолмасликка, ўз сайловчиларининг наказлари ва истакларини билдиришга уринишаяпти.

— Бу съездимизни тақдирга дахлдор, деб бежиз айтишмаяпти, — деди биз билан суҳбатда Тошкент Давлат дорилфунунининг ректори, ССЖИ Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, мамлакат Олий Кенгаши халқаро ишлар қўмитасининг ҳамда депутатлик одоби масалалари комиссиясининг аъзоси Э. Ю. Юсупов. — Шунга қарамай, бу ерда юз бераётган воқеалардан қаноат ҳосил қилмаётганлигимни айтмай иложим йўқ.

Ўзимнинг қониқмаётганлигимни съезд минбаридан туриб айтишни жуда хоҳлагандим, сўзга чиқиш учун уч марта рўйхатга ёзилдим. Лекин ҳар гал нима учундир, албатта, депутат Собчак ёки депутат Алкснис ёхуд ўша эпчил гуруҳдан яна кимдир мендан олдин сўзга чиқишга улгурарди. Улар сўзамолликни ўрнига қўйишади, лекин асосан биз эшитишни истаган нарсалар тўғрисида гапиришмайди.

Хусусан, назаримда, жумҳуриятлар мустақиллигини реал таъминлаш, ҳокимият тузилиши ўзгартирилган шароитда марказ билан федерация субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг қандай тусда бўлиши каби масалалар ноаниқ бўлиб қолди. Президент Фармонлари ва давлат ҳужжатлари мамлакатда амал қилмаётгани, иттифоқдош жумҳуриятлар ўртасида тезроқ иқтисодий битимлар тузиш зарурлиги тўғрисида кўп гапирилди, бироқ уларни амалга ошириш воситаларининг пухта системаси бўлмаса, уларнинг бажарилиши назорат қилинмаса, буларнинг ҳаммаси яна яхши ниятлигича қолаверади.

Бу ердаги маҳмадоналарни, афтидан, бутунлай бошқа нарсалар ташвишлантирмоқда — бузғунчи кучлар ҳокимият тепасига чиқишга уриниб, ҳеч нарсадан тап тортишмаяпти. Бу курашда ҳар қандай воситадан фойдаланилмоқда. Энг яхши, синалган ходимларни таъқиб этиш, таҳқирлаш, номини булғаш бундан мустасно эмас. Бу усуллардан наф чиқмаяпти, деб бўлмайди, Истеъфога чиқишга қарор қилган Э. А. Шеварднадзенинг асаби дош беролмагани ҳам шундан далолатдир.

Энди эса дуч келган усул билан Н. И. Рижковни «эзишмоқда». Унинг бошига туҳмату бўҳтонларни ёғдиришаяпти, қайта қуришдаги деярли барча муваффақиятсизликлар учун уни айблашаяпти, консерватор ва реакционер деб ҳақорат қилишаяпти. У эса ҳалол инсон, самимий ва принципиал сиёсатчидир. Унда камчиликлар ҳам бор, албатта.

Шу зайлда биз синалган ходимларни, энг яхши одамларни йўқотаяпмиз, инсонпарварликнинг, эзгуликнинг ҳамда халқлар бирлиги ва қардошлигининг буюк мақсадларидан маҳрум бўлаяпмиз...

Эшитдингизми, ўқидингизми?

● ҒИЖДУВОН интернат мактабининг 39 тарбияланувчиси учун хайрия ҳисоб варақаси очилди. Бухоро корхоналари ва ташкилотлари уларнинг ҳар бири учун икки минг сўмдан пул ўтказди. Янги йил арафасида меҳнат жамоаларининг вакиллари болалар ҳузурига меҳмонга бориб, уларга совғалар билан бирга жамғарма дафтарчаларини ҳам топширадилар.

● МАРҒИЛОНДАГИ 2-поликлиникада кундузги стационар очилди. Бу ерда биринчи бўлиб тиббий хизматнинг шу шаклини маъқул кўрган кўп болали оналар даволана бошланди. Стационар уларга оиладан узоқ муддат ажралиб қолмасдан, ўз соғлиқларини ҳам тиклаш имконини беради. Беморларга физиотерапия ва даволаш бадантарбияси хоналари хизмат қилмоқда.

● КАТТАҚЎРҒОНДА бўлиб ўтган вилоят семинарида рус мактабларининг ўқувчилари ижросида ўзбек тилидаги шеър ва қўшиқлар янгради. Бу ўзига хос концерт муҳокама қилинаётган асосий мавзуни янада бойитди — семинар ўзбек тилини ўқитиш муаммоларига бағишланган бўлиб, Каттақўрғондаги Э. Тельман номли мактабда ўтказилди. Айни шу мактабда ўқув-тарбия жараёнининг янги шакллари жорий этилмоқда, ижобий иш тажрибаси тўпланган.

(ЎзТАГ).

Ҳаракат хавфсизлиги— диққат марказида

Бозор муносабатлари шароитида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, Давлат автоинспекцияси идораларининг фаолиятини такомиллаштириш масалалари Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон Давлат автоинспекцияси раҳбарларининг Тошкентда бўлиб ўтган учрашуви диққат марказида бўлди. Учрашув қатнашчилари шундай учрашув ўтказиш зарурати аллақачон етилган эди, деган фикрга якдиллик билан қўшилдилар. Ҳозир ҳаддан зиёд кўп муаммолар тўпланиб қолган ва уларни манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг жумҳурият даражасидаги яқин ҳамжиҳатлигисиз ҳал этиб бўлмайди.

Ўзбекистон ССЖ Давлат автоинспекцияси бошқармасининг бошлиғи М. Ваулин кенгашни очаётиб, жумҳуриятда йўл-транспорт ҳодисаларини камайтириш борасида тажриба тўпланганлигини, йўлларда аварияларнинг олдини олиш юзасидан фаол иш олиб борилаётганлигини таъкидлади. Бошқа жумҳуриятларда ҳам ижобий силжишлар бор. Аммо бошқа минтақалардаги ишларнинг аҳволидан яхши хабардор бўлмаслик, бир мақсадга йўналтирилган, биргаликдаги тадбирлар амалга оширилмаётгани Давлат автоинспекцияси идораларига бу йўналишдаги ишни кучайтиришда халал бермоқда.

Учрашув иштирокчилари йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масалаларида бешта жумҳурият ҳамкорлик қилиши тўғрисида шартнома имзоладилар.

(ЎзТАГ мухбири).

ТАСС, ЎзТАГ ва ўз мухбирларимиздан

Шу сонга хабар

Режага мувофиқ

Учишни бошқариш маркази. Саккизинчи асосий экспедиция фазогирлари Виктор Афанасьев билан Муса Манаров «Мир» станциясида ишламоқдалар.

«Кратер» электр иситиш печида беш кечаю-кундуз давом этган хоссаси яхшиланган ярим ўтказгич материал монокристаллини катталаштириш жараёни тугади. «Пион» технология қурилмасида космик учиш шароитида микрогравитациянинг суюқликдаги иссиқлик алмашинувига таъсирини ўрганиш мақсадида тажриба ўтказилди.

Шаҳар номи ўзгартирилди

Тожикистоннинг қадимий шаҳарларидан бирига — Ленинободга унинг тарихий номи қайтарилди. Энди бу шаҳар унинг асосчилари 2500 йил муқаддам қўйган ном билан — Хўжанд деб аталади. Шаҳар кенгашининг сессиясида умумхалқ овоз беришининг якунлари асосида ана шундай қарор қабул қилинди. Айни пайтда шаҳар кўчаларидан бири Ленин номи билан юритилади, шаҳар марказида шўро давлатининг асосчиси хотирасига қўйилган ҳайкал қад кўтариб турибди.

Бевосита алоқалар

Украина билан Қирғизистон ўртасидаги анъанавий дўстона ўзаро алоқалар мустаҳкамланмоқда, янгиланмоқда ва янги аниқ-равшан мазмун билан бойитилмоқда. УССЖ Олий Кенгашининг Раиси Л. М. Кравчук билан Қирғизистон жумҳуриятининг Президенти А. А. Акаевнинг қўшма баёноти имзоланди.

Ҳужжатда томонлар Украинанинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги декларацияга ва Қирғизистон жумҳуриятининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги декларацияга амал қилиб, ижтимоий-иқтисодий сиёсат юритишлари ва унга асосланган ҳолда иккала жумҳурият халқларининг фаровонлигини, маънавий ҳамда маданий жиҳатдан ривожланишини таъминлаш мақсадида ижтимоий ва хўжалик ўзгартишларини амалга оширишлари таъкидланади.

Икки жумҳурият ҳукуматлари ўртасида 1991—1995 йилларга мўлжалланган иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битим ҳам имзоланди.

Ельниково станциясида

22 декабрь куни жанубий темир йўл Белгород бўлимининг Ельниково станциясида содир бўлган темир йўл фалокати оқибатларини тугатиш ишлари давом этмоқда.

ССЖИ Вазирлар Кенгаши фавқулодда вазиятлар давлат комиссиясида ТАСС мухбирига хабар қилишларича, 25 декабрь эрталабгача олинган маълумотларга қараганда 34 жабрдийда шифохоналарга ётқизилган, шундан 10 кишининг аҳволи оғир, бир киши эса вафот этди. 8 кишининг ҳалок бўлганлиги аниқланди.

Ширкатчилар фаолияти кўриб чиқилди

ССЖИ Ички ишлар вазирлигида бўлиб ўтган брифингда ширкатлар фаолиятини тартибга солувчи қонунларни такомиллаштириш юзасидан чоралар қабул қилиш зарурлиги тўғрисида гапирилди. Ширкат фаолиятида жиноят содир этган шахслар ўтган йилдагига нисбатан 70 фоиз кўпайганлиги таъкидланди. Қарийб 10 минг киши маъмурий жавобгарликка тортилди. Айни пайтда тергов идоралари доимо кўплаб савдо, савдо-харид ва воситачилик билан шуғулланувчи ширкатларнинг молия-хўжалик фаолияти амалда назорат қилинмаётганлигига дуч келмоқда.

Банк ходимлари йўриқномаларни бузган кўплаб ҳоллар ҳам аниқланди. Турли корхоналар қонунларни четлаб ўтиб, меҳнатсиз даромад топиш мақсадида қарз олиши ва ундан фойдаланиши кенг тарқалган. Фақат шу йилнинг ўзида ширкатларнинг банклардан олган маблағи банкларга қўйилганидан 11 баравар кўп бўлди.

Аскарларга ўзбекча ош

Йўлдошали ака ва Саодатхон ая болаларини аввал бошидан қаттиқ тутишди. Кўпчилик болаларга ўхшаб Даврон ҳар хил кўнгилхушликлар учун бекордан бекор кўча сангиб юрмади. Акалари Бегмат, Неъматга ўхшаб у ҳам мактабни олтин медаль билан битирди. Шу сабабдан бўлса керак синфдошлари уни бирор олий билимгоҳга ҳеч қийинчиликсиз топширса керак деб ўйлашганди. Лекин бундай бўлиб чиқмади. Оилада 7 фарзанд (6 ўғил ва 1 қиз) вояга етди. Шундан тўрттаси армияда хизмат қилишган. Даврон яна акаларига эргашиб, Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўтаб қайтишга қарор қилди.

Мана бир неча ойдирки, Даврон Смоленск вилоятида ҳарбий хизматда. Жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочиси. Қисм фахри. У хизмат қилаётган қисмда 18 миллат вакиллари бир оға-инидек тинч-тотув яшашмоқда. Қисмда ҳар бир жумҳуриятнинг маданият кунларини ўтказиш анъанага айланиб қолган. Ушбу анжуманда миллий қўшиқ ва ўйинлар, саҳна асарлари ижро этилади.

Яқинда қисмда Даврон Мақсудов ташаббуси билан ўтказилган Ўзбекистон маданияти кунлари кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Маданият кунларида аскарлар ўзбекча таомлар — ош, мастава, кабоб билан сийланди.

— Халқларни бир-бирига яқинлаштирувчи шундай тадбирни Янги йилда ҳам ўтказиш ниятидамиз, — дейди Даврон.

Ҳибсдан озод этилди

Рўзномамизнинг 5 декабрь сонида «Сўнгги сўзни суд айтади» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда Самарқанд шаҳрининг собиқ прокурори Обид Алибоев олти йилдан зиёд вақтдан бери судсиз ноқонуний қамоқда сақланаётганлиги айтилганди.

Яқинда Ўзбекистон ССЖ Олий Судида О. Алибоев ишини кўриш жараёни бошланди. Суд мажлиси жумҳурият олий суди аъзоси Александр Васильевич Попков раислигида ўтмоқда. Давлат айбловчиси бўлиб ССЖИ прокуратураси бошқармаси прокурори В. Румянцев қатнашяпти.

Айбланувчини адвокатлар А. Мамажонов ва Ш. Раббимовлар ҳимоя этишмоқда.

Суд жараёнининг биринчи кунидаёқ О. Алибоевга нисбатан эҳтиёт чораси ўзгартирилди, у ҳибсдан озод этилди. Мустақил ва қонуний қарор қабул қилинди. Яқин-яқингача бунга ўхшаш ишларда судьялар дадил бир фикрга келиши қийин эди. Суд органларига қилинган турли тазйиқлар, судьяларнинг юраксизлиги сабабли қонунсизлик авж олган эди. Аммо ҳозир ҳам тазйиқлар бўлмаслигига кафолат йўқ.

О. Алибоев иши бўйича эса суд тергови давом этяпти. Алибоев дастлабки терговда қўйилган айбларни рад этмоқда.

Сўнгги сўзни, ҳақ сўзни одил суд айтади.

С. ОСТОНОВ.

Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съездининг РЕЗОЛЮЦИЯСИ

«ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИДА ЮЗАГА КЕЛГАН АҲВОЛ ТЎҒРИСИДА»

Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съезди Орол денгизининг тўхтовсиз қуриб бораётганлиги ва Оролбўйи минтақасидаги экологик ҳалокат натижасида юзага келган аҳволнинг кескинлашиши муносабати билан ташвиш билдиради.

Денгиз сатҳи 14 метрга пасайди, умумий майдони 47 мартаба ва сув ҳажми 60 фоизга камайди. Денгизнинг эндиликда қуруқликка айланиб қолган 3,5 минг квадрат километрдан йилига 100 миллион тоннадан зиёд туз, чанг ҳавога кўтарилмоқда ва бир неча юзлаб километр масофага тарқалмоқда.

Орол денгизининг тарихан юзага келган экологик системаси барбод бўлиб, тупроқ, ўсимликлар ва ҳайвонлар дунёси таназзули содир бўлаяпти, иқлим шароити ёмонлашмоқда.

Бутун бир денгизнинг йўқолиб бориши катта миқёсда фақат экологик ҳалокатгина эмас, балки жамиятимизга улкан иқтисодий зарар келтирибгина қолмай, шу билан бирга катта ахлоқий-маънавий ва сиёсий путур етказиши маъмурий-буйруқбозлик системаси ва турғунлик вақтлари, айниқса, раҳбарларнинг жуда катта хатоликларидан яққол гувоҳлик бериб турибди. Дарёдан тинимсиз сув олиш баҳри муҳитни ҳалокатга олиб келиб, ҳозирда ҳам Амударё ва Сирдарё сувларининг кимёвий жиҳатдан ифлослантирилиши эса бу минтақадаги ҳаётга таҳлика солмоқда. Табобатчилар маълумотларига қараганда, Қорақалпоғистонда аҳолининг қарийб 65 фоизи касалликка чалинган бўлиб, зудлик билан даволашга муҳтождир.

Оролбўйи минглаб аҳоли пунктлари, юз минглаб инсон тақдирининг экологик ҳалокат минтақаси бўлиб қолди.

ССЖИ Олий Кенгаши, ССЖИ Вазирлар Кенгаши, жумҳурият органлари, БЛКЁИ Марказий Қўмитаси ва бошқа ташкилотлар томонидан қабул қилинган комплекс тадбирлар сусткашлик ва тўла бўлмаган ҳажмда рўёбга чиқарилаётганлиги, санитария-эпидемиология ҳолати кескин ёмонлашиб боришидан, экологик ҳалокатнинг кескинлашуви ҳажми катта эканлигидан келиб чиқиб, чора-тадбирлар кўрилмаётганлигидан ташвишланиб, ёрдам ҳозир ва зудлик билан кўрсатилиши зарурлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съезди қарор қилади:

1. Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши ва Президентига, Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасига қуйидаги талаблар билан мурожаат қилинсин:

— Оролбўйи муаммолари юзасидан 1988 йил 18 августда КПСС Марказий Қўмитаси ва ССЖИ Вазирлар Кенгашининг қабул қилган 1110-сон қарорини ижро этиш учун қабул қилган жумҳурият органлари томонидан тадбирларни рўёбга чиқаришни таъминлаш ва назорат қилишни кучайтириш;

— Орол денгизини сақлаб қолиш концепциясини ишлаб чиқишни жадаллаштириш;

— Оролбўйи муаммолари юзасидан 1991—1995 йилларда ва 2005 йилгача бўлган жумҳурият ҳаракатномасини ишлаб чиқишни ва қабул қилишни жадаллаштириш;

— аҳолини юқори сифатли ичимлик суви билан таъминлаш юзасидан тадбирларнинг бажарилишини тезлаштириш;

— 1991 йилдан бошлаб Амударё ва Сирдарёдан Оролга камида 30—35 кубокилометр сувнинг сўзсиз ва кафолатланган қуйилишини таъминлаш;

— Орол денгизидаги ҳалокатли хавф солаётганлигини эътиборга олган ҳолда 1990 йил декабрида ва 1991 йилнинг I кварталида экиш мавсуми бошлангунга қадар Орол денгизига зарур ҳажмдаги сувнинг қуйилишини таъминлаш;

— 1991—1992 йилларда коллектор-дренаж сувларини Амударё ва Сирдарёга ташлашни тўхтатиш;

— магистрал-коллекторлар қурилиши ва таъмирланишини таъминлаш ва умумхалқ қурилиши деб эълон қилиш;

— заҳарли кимёвий моддалардан фойдаланишни камайтириш ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик усулига ўтиш;

— қишлоқ хўжалик экинларини экиш структурасини қайта кўриб чиқиш, намликка талабчан бўлган пахта ва шоли экиш майдонини қисқартириш, янги ерларни ўзлаштиришни тўхтатиш.

2. Кечиктириб бўлмасдан ҳаракат қилишни тақозо этаётган вазиятнинг юзага келганини сабабли Ўзбекистон ССЖ Президенти ўртоқ И. А. Каримовга Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон Президентларининг Оролбўйи ва Орол муаммоларини ҳал этиш юзасидан куч-ғайратларини бирлаштириш борасида 1991 йил январида Нукус шаҳрида олий даражада учрашув ўтказиш таклифи билан чиқиш.

3. Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига қуйидаги таклифлар билан чиқилсин:

— Оролбўйи даволаш ва санитария-профилактика муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш учун қўшимча молиявий ва моддий маблағлар ажратиш;

— Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти, Хоразм ва Бухоро вилоятининг шимолий минтақасидаги табобат муассасаларига хорижий табобат асбоб-ускуналари ва дори-дармонлари сотиб олиш учун валюта ёрдами бериш;

— Оролбўйи минтақасидаги болаларнинг даволаниши ва дам олиши учун жумҳуриятимизда битта даволаниш марказини ажратиш.

4. Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Маҳкамасига Оролбўйини эркин иқтисодий ишбилармонлик минтақасига айлантириш масаласини ўрганиб чиқиш таклифи билан чиқилсин.

5. Қуйидаги таклифлар қўллаб-қувватлансин:

— Орол денгизига жаҳон миқёсидаги табиий ва сув объекти мақоми бериш;

— Орол минтақасига ёрдам борасида жаҳон жамғармасини ташкил этиш.

6. Оролбўйи музофотида жойлашган ҳарбий объектлар фаолиятини текшириш ва мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш учун депутатлар комиссиясини тузиш таклифи билан Ўзбекистонтон Шўро Социалистик Жумҳурияти Олий Кенгашига чиқилсин.

7. Янги сайланган Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасига:

— Оролбўйи муаммоларини ҳал қилишда жумҳурият комсомоли иштирокини таъминлаш— «Оролбўйи болалари» ҳаракатномасини ишлаб чиқиш ва ҳалокат минтақасидаги болалар табобат муассасаларини сув тозаловчи қурилмалар билан таъминлашда иштирок этиш муҳим иш деб ҳисоблансин ҳамда шу мақсадларга уч миллион сўм ажратиш;

— Нукус ва Урганч шаҳарларида ёшлар экологик марказларининг оёққа туриб олиши учун кенг ёрдам бериш;

— Қорақалпоғистон, Хоразм ва Бухоро вилоятининг шимолий минтақасида жойлашган болалар муассасаларига бир вақтнинг ўзида молиявий ёрдам кўрсатиш;

— Оролбўйи табобат муассасаларига кўмак бериш учун ҳар йили ёз ойларида юқори курс талабаларидан иборат табобат отрядларини ташкил этиш;

— ҳалокат минтақасидаги комсомол ташкилотларига моддий ва амалий ёрдам бериш топширилсин.

8. Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти ва Хоразм вилоятига Оролбўйи муаммоларини ечиш мақсадида қўшимча тарзда олти миллион сўм ҳажмда молиявий маблағ ажратиш БЛКЁИ Марказий Қўмитасидан сўралсин.

9. Комсомол ташкилотларига, ёшлар марказларига ва тузилмаларига, жамоатчилик ташкилотларига ва ҳаракатларига Орол денгизини сақлаб қолиш учун фаол кураш олиб бориш таклифи билан мурожаат қилинсин.



Хитой Халқ Жумҳуриятида ишлаб чиқарилган буюмларнинг дастлабки туркуми Наманган машинасозлик заводига келиб тушди.

— Биз бу молларни биринчи даражали ўн минг валюта эвазига сотиб олдик, — дейди завод директорининг ўринбосари Ҳусниддин Нуриддинов. — Яна буюм айрибошлаш ҳисобига 500 минглик мол олишимиз керак. Илк туркум молларини заводимиз ишчиларига тарқатамиз.

Тақсимот арафасида шаҳардаги ахборот-тижорат марказида буюмлар кўргазмаси очилди. Мақсад бошқа корхоналарни ҳам шу ишга қизиқтиришдан иборат.

СУРАТДА: Хитойдан келтирилган буюмлар кўргазмасида.

УзТАГ мухбири А. КОВТУН олган сурат.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Қўқон ўрмон хўжалиги Фарғона вилоят хўжалик моллари Қўқон савдо базаси билан ўзаро ҳамкорликда иш бошлади. Бу ерда аҳоли талабини ўрганган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Эндиликда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жуда харидоргир бўлиб, улар пештахталарда туриб қолмаётир. Амалга оширилган ушбу ҳамкорлик туфайли ортиқча сарф-харажатларга чек қўйилди. Қўқон ўрмон хўжалиги ишчилари энди бевосита савдо шохобчаларининг буюртмаси асосида маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда. Шу кунгача аҳолига режадан ташқари 32 минг сўмлик турли буюмлар сотилди.

Ўрмон хўжалиги усталари ясаётган болалар боғчалари учун ёғоч уйчалар, кундалик эҳтиёж моллари — хонтахта, овқатланиш столлари, ёғоч чиқиндилардан тайёрланаётган кийим илгичлар харидорларга жуда манзур бўлмоқда. Усталар йил охиригача яна уч минг сўмлик шундай бежирим ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришади.

(УзТАГ мухбири).

ЯНГИ МАҲСУЛОТ

«Ферганаагроспец - ремонт» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Қўқондаги «Мотор» ремонти заводи сиғими 25 кубометрли пўлат сув тўплагич миноралари кўплаб ишлаб чиқара бошлади. Йил охиригача истеъмолчиларга 150 дона шундай минора жўнатилади.

Бу ерда шиша идишларни ювадиган линияларни ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди. Улардан Фарғона водийси хўжаликларида қурилаётган кичик консерва корхоналарида фойдаланиш мўлжалланган. Маҳаллий вино заводида ана шу линиянинг тажрибавий намунаси синовдан ўтказилди.

Жамоа ишлаб чиқараётган халқ истеъмоли моллари рўйхатига янка тартибдаги уйлар учун сув иситиш қозонлари ҳам қўшилди. Бундай қозонларнинг катта туркуми савдо тармоқларига жўнатиш учун тайёрлаб қўйилди.

(УзТАГ мухбири).

ҚАМАШИЛИК ШИШАСОЗЛАР

Қашқадарё вилоятининг Карл Маркс номли давлат хўжалигида қадимий санъат — шишасозлик касбини ўзлаштириб олишди. Бу ерда яқинда пайдо бўлган манзарали шиша буюмлари цехида ҳар қандай хонадонга зарур нарсаларни — гулдонлар, чойнак ва пиёлалар, совға-салом буюмлари тайёрлайдилар.

Цех жамоаси келажакда маҳсулот турларини анча кўпайтиришни мўлжалламоқда. Қашқадарёликлар Тошкентдаги «Миконд» заводида шиша пуфлаш касби маҳоратини ўргандилар.

Нуқтаи назар

Ўзини билмаган...

Қайта қуриш деганида биз фақат раҳбарликнинг юқори паст бўғинларида кетадиган тахт учун «курашлар»ни тушунмаймиз. Қайта қуриш тарихий ҳақиқатни сохта ёлғонлардан тозалаш воситаси ҳамдир.

Нима демоқчиман? Бундан ўн йиллар муқаддам ўрта мактабда математика, алгебра фанларидан сабоқ олганмиз. Ҳозирда ўзимиз шу фанлардан ёшларга илм бераяпмиз. Дарсликларда ўзгариш борми? Тўғри, баъзилар айтиши мумкин, математика, алгебра бу аниқ фанлар, сохта тарих эмас, қайта ёзишга деб. Инкор қилмаймиз. Аммо, шунда ҳам юз минг йиллардан бери келаётган бир ёқламаликлар, ёлғонлар борки, уларни очиқ айтиш, ёшларга етказиш — шу куннинг, бизнинг вазифамиз бўлмоғи керак.

Қадимги грек, ҳинд, чин донишмандлари қатори Ўрта осиёлик алломаларнинг фан, инсоният олдидаги буюк хизматларини чет элликлар биздан кўра кўпроқ эътироф этишади. Америқода «Ал Хоразмий — ўз даврининг энг буюк математигидир» деган жумла асарларга, китобларга бошсўз сифатида ёзилади... Ал Хоразмий алгебра фанининг отаси эканлигини ниҳоят эътироф этаяпмиз.

Ал Хоразмий 0 дан 9 гача бўлган рақамлар асосида саноқнинг ўнли позицион системасини кашф қилган. Ал Хоразмий «илдиз» тушунчасини Рудольфдан етти юз йил олдин кашф қилган бўлишига қарамасдан «илдиз»ни Рудольфга нисбат бериш давом этмоқда.

Хўжандлик математик Ибн-Ал-Хизр Хўжандий «Ферманинг кичик теоремаси» деб аталадиган теоремани Фермадан етти аср илгари фанга олиб кирган. Яна бир ватандошимиз Абу Райҳон Беруний ернинг қуёш атрофида ва ўз ўқи бўйлаб айланишини Коперникдан беш юз йил илгари исботлаган.

Умар Ҳайёмни бетакрор рубоийлар яратгувчи дейишга ўрганиб қолганмиз. Унинг математика, алгебра соҳасидаги илмий ишлари эса эътибордан четда. Тарихнинг ўйинини қарангки, Умар Ҳайём асарларида шунчаки, масалаларни ечиш учун ишлатиб кетган теорема, ҳисоб усулларини ундан тўрт, беш, олти аср кейин қайсидир бир овруполик олимлар «кашф қилишиб» фанга абадий олиб киришган.

Абу Али ибн Синони табиб сифатида биламиз. Ибн Сино яратган геометрия Евклид геометриясидан кўра афзалроқ. У ўз геометриясида етмиш тўрт таъриф, 7 постулат, 5 аксиома ва 225 теоремани ишлатади. XIII асрнинг энг буюк математиги Насриддин ат Тусий каср сонлар арифметикаси асосчисидир.

Дарсликларда тарихда биринчи бўлиб «ўнли каср»ни инглиз олими Симон Стевин XVII асрда кашф қилди, деб юритилади. Ўрта осиёлик ал Коший ўнли касрни ундан икки аср илгари яратган. У айлана узунлигининг диаметрига нисбатини, яъни «пи» сонини яратган, «Бном формуласини» кашф қилган. Лекин, бу формулани Руффини — Горнерга нисбат беришмоқда.

Мен бир нечагина мисол келтирдим. Бу билан тарихни — адолатсиз, уни чаппа ағдариш тарафдори эмасман. Ниманки, ноҳақликлар бўлган экан, яратганнинг ҳукмига ҳавола. Лекин, афсуслантирадиган томони шундаки, бу маълум ҳақиқатлар ҳақида аҳён-аҳёнда бирорта олимнинг мақолаларида, юбилейлар сабабли ўқиймиз, холос. Дарсликлар, қўлланмалар эса эскичасига чоп этилмоқда. Уларни тузатиш эмас, ҳеч бўлмаганда шунчаки эслатиб ўтиш ҳеч кимнинг хаёлига келмайди.

Ўрта мактабларда математика ва алгебра кабинетларига кўргазма сифатида осиб қўйиш, ўқувчиларга кўрсатиш, таништириш учун йирик олимларнинг катта-катта суратларини нашр қиладиган, ўрта мактаблар учун ташвиқий кўрсатмалар тайёрлайдиган методик бирлашма, ташкилотлар лоқайдлиги шу даражадаки, ўн беш йил олдин чиқарилган портретлар қайта-қайта босилаверади. Мен бу суратлар жамламаларида юқорида номлари зикр этилган алломалар, ватандошларимизнинг бирортасини ҳам учратмайман. Лекин, улардан беш, етти аср кейин улар яратган ишларни «қайта кашф қилган» овруполик олимларнинг суратлари талайгина.

Такрор айтаман, мақсадимиз тарихни чаппа ағдариш эмас. Аммо, ҳеч бўлмаса эндиликда ўрта мактаблар дарсликларига буюк боболаримиз бўлган математикларнинг ҳаёти, илмий фаолияти ҳақида маълумотномаларнинг кенгроқ, муфассалроқ киритиш, уларнинг суратлари билан дарсхоналарни безаш вақти келмадими?.. Бу иш билан ким шуғулланади?

Илҳомбой ОТАЖОНОВ,
Хоразм вилояти Боғот ноҳиясидаги махсус математика мактаби муаллими, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти совриндори.

Хориждан хабарлар

Чет эл ёшлари ҳаётидан

● **АФИНА. (ТАСС мухбири Владимир МАЛИШЕВ).** Грециялик талабалар Рождество ва янги йил байрамлари муносабати билан иш ташлашлар ва бошқа норозилик тадбирларини тўхтатишга қарор қилдилар. Улар бир неча ҳафтадан буён ҳукуматнинг ўқиш жараёнини қатъий тартибга солиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини «демократияга зид» деб ҳисоблаб, унга қарши шундай тадбирлар ўтказаётган эдилар.

Талабалар ташкилотлари вақтинча «яраш» эълон қилишга, иш ташлашни давом эттириш тўғрисидаги масалани эса байрамдан кейин ўйлаб кўришга қарор қилдилар.

● **ҚОҲИРА. (ТАСС мухбири Олег Зуенко).** Исроилга кўплаб муҳожирларнинг келиши яна бир мураккаб муаммони вужудга келтирди. Исроил радиосининг хабар қилишича, бу гал маориф ва маданият вазирлиги қийинчиликларга дуч келди. Бу вазирлик мамлакатга келаётган ўн минглаб болаларни мактабларга жойлаштиришга қодир эмаслиги маълум бўлди. Энди у ўқув йили муддатлари ва унинг даврийлигини қайта кўриб чиқишга мажбур бўлаяпти.

Вазирлик бу муаммони ҳал этиш мақсадида бир неча лойиҳа ишлаб чиқди. Шулардан бири — энг мақбул лойиҳа деб топилгани мактабларда ўқув йилини 12 ойгача узайтиришни ва айни вақтда узоқ муддатли ёзги таътилларни бекор қилишни кўзда тутади. Машғулотлар ўзгарувчан жадвал асосида олиб борилади. Бунда мактаб ўқувчилари ҳар чоракда уч ой ўқиб, кейин уч ҳафта дам оладилар. Маориф ва маданият вазирлиги мутахассисларининг фикрича, бундай даврийлик мактабларда иккинчи смена жорий этилишига йўл қўймасликка ёрдам беради.

● **БРАЗИЛИА.** «Фолья ди Сан-Пауло» рўзномаси Бразилияда болалар ўлими билан боғлиқ мудҳиш маълумотларни эълон қилди. Рўзнома олинган расмий маълумотларга таяниб, Бразилияда ҳар куни 4 ёшгача бўлган минг нафар бола вафот этаётганлигини хабар қилди. Туғилган ҳар минг чақалоқнинг 85 нафари чорночор кун кечираётган камбағал оилаларга тўғри келади. Улар ҳар қандай тиббий хизматдан маҳрум ва одатда 5 ёшгача ҳам яшашмайди. Вужудга келган вазиятни ўзгартириш учун, деб ёзади рўзнома, бутун жамият бирлашиб қатъий ҳаракат қилмоғи зарур. Ҳукумат аҳолининг камбағал табақаларини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этишга анча кўпроқ маблағ ажратиб, дарҳол давлат бюджетига ўзгартишлар киритиши лозим, деб ҳисоблайди рўзнома.



Яқин Шарқда Америқо-Ироқ можаролари авж олган сайин Исроил аҳолиси орасида саросималик кучаймоқда. Мана бир неча ойдирки Тель-Авив ва бошқа шаҳарларда противогазлар харидорлар томонидан кўплаб сотиб олинмоқда. Ҳатто одамлар противогазларини ишда ҳам, уйда ҳам ўзлари билан олиб юришади.

СУРАТДА: Тель-авивлик ўқувчилар ўқитувчиларини шундай қарши олишмоқда.

ТАСС сурати.

ВАЗИР БИЛАН УЧРАШДИ

АҚШ президенти Жорж Буш Кэмп-Дэвидда мудофаа вазири Чейни ва штаб бошлиқлари қўмитасининг раиси генерал Колин Пауэлл билан учрашди. Улар Бушга Форс кўрфази ноҳиясига қилган сафарларининг натижалари ҳамда АҚШ қуролли кучларининг у ерда жойлаштирилган қисмлари ва бўлинмаларини текшириш натижалари ҳақида ахборот бердилар.

Оқ уй вакили Пентагон билан ана шу вазифаларнинг якунлари юзасидан Президент ҳузурида уч соат давом этган кенгашнинг бирор тафсилотини айтишдан бош тортди. Шунга қарамай, Эй-Би-Си телекомпаниясига Вашингтон маъмуриятидаги ўз манбаларидан маълум бўлишича, мудофаа вазири Чейни Президентга ҳужумга ўтиш учун қўшинлар, қуроллар ва ўқ-дориларнинг етарли миқдори ҳамда эҳтиёт қисмлар Форс кўрфази ноҳиясида февралнинг охиридан олдин жойлаштириб бўлмаслигини айтган. АҚШ маъмуриятидаги юқори лавозимли расмий арбоблардан бири Эй-Би-Си телекомпаниясига бу баҳога Оқ уй жиддий муносабатда бўлаётганлигини айтган. У 15 январь дипломатиядаги сўнгги муддатдир, лекин уруш ҳаракатларини бошлаш шарт бўлган кун эмас, деб илова қилган.

Президент Буш ҳам мамлакатдан ташқарида турган барча Америка ҳарбий хизматчиларига Рождество табриги билан мурожаат қилди. АҚШ маъмуриятининг бошлиғи катта ҳарбий қисмларни Саудия Арабистонига юбориш тўғрисидаги қарорига тўхталиб, «жаҳон агрессияни мукофотламаслиги керак», деди. Унинг гапларига қараганда, Америка қўшинлари «бизнинг ҳаётий муҳим манфаатларимиз хавф остида қолганлиги учун», шунингдек, Саддам Ҳусайн келтираётган «шафқатсизлик ва хавф-хатар» туфайли Форс кўрфази ноҳиясига юборилди. Буш «урушни эмас, балки тинчликни» хоҳлашини яна бир бор таъкидлаб, «Америка аскарлари ўз уйларидан олисда мамлакат манфаатларини ҳимоя қилиб берган қурбонларни» Америка «унутмайди», деди.

ҲЕЧ КИМ ҲАЛОК БЎЛМАДИ

● **ГАВАНА. (ТАСС мухбири Андрей Бородин).** Гондурас пойтахти Тегусигальпадаги катта дўконлардан бирида кучли портлаш бўлди. Пренса Латина агентлигининг хабар қилишича, президент саройи яқинида жойлашган бу бинога катта моддий зарар етганлигига қарамай, қўпорувчилик оқибатида ҳеч ким ҳалок бўлмаган.

«Морасаночи ватанпарварлар фронти» яширин қуролли гуруҳи дўконни портлатганлик учун масъулиятни ўз зиммасига олди. Портлашдан бир кун олдин бу гуруҳ вакиллари пойтахт радиостанцияларининг муҳаррирриятларига қўнғироқ қилиб, шаҳарнинг бир қанча савдо марказларига портловчи мосламалар ўрнатганликларини маълум қилганлар. Бу, уларнинг айтишича, аҳоли кенг табақаларининг аҳволига салбий таъсир кўрсатувчи қаттиқ иқтисодий сиёсат олиб бораётган Гондурас президенти Рафаэль Леонардо Кальехас ҳукумати учун огоҳлантиришдир.

Гондурас полициясининг вакили шу муносабат билан журналистларга маъмурлар «Лос Кастаньос» супермаркетига бомба қўяётган икки кишини ҳибсга олганликларини айтди. «Ла-Колония» дўконидан яна битта портловчи қурилма топилган.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

БАРАКОА СОАТИ

✦ ҲАММАМИЗГА маълумки, ҳозирги кунда қўл ва чўнтак, қуёш ва қум соатлари мавжуд. Мутахассисларнинг эса астрономик, қонли ва газли соатлар борлигидан ҳам хабарлари бор. Лекин сув соати борлигини кўпчилик билмас балки.

Кубанинг шарқий қисмида Баракоа деган жой бор. «Баиа Мата» кўрфазидан 200 метр жанубда жойлашган бу қишлоқда ғаройиб булоқ вақти-вақти билан чиқиб туради. У футбол ўйини ва дарс тугаганини аниқ кўрсатади, тўғрироғи, булоқдан 45 минут давомида сув чиққач, шунча вақт булоқ ҳаракатдан тўхтайди, яъни сув чиқмайди, сўнг яна ва яна шундай ҳолатлар такрорланаверади.

ТИРИК ЕТИМ ҚОЛГАН 4 ЭГИЗАК

✦ МИСРНИНГ Асьют шаҳрида яшовчи Аҳмад Муҳаммад оз бўлсину соз бўлсин, дея ўзининг янги — иккинчи хотини туғиб берган тўрт эгизакка оталик қилишдан бош тортди. У аввалги «қари» хотинидан қолган 11 бола унга етарли эканлигини баҳона қилди.

Аҳмаднинг биринчи, яъни, «қари» хотини унинг тенгдоши, иккови ҳам 65 ёшда. Фақат Аҳмаднинг шу ёшда ҳам «бели бақувватлигига» ажабланасан киши. Дарвоқе, фарзандларининг кўпчилиги эндигина 30 ёшга кирган янги хотинидан анча катта.

Касалхона маъмурияти янги туғилган 4 нафар чақалоқни ҳам оиласи бағрига олишга мажбур этиш учун Аҳмадни судга берди. У бунга жавобан нафақат болаларидан, балки уларнинг онасидан ҳам воз кечишини айтди. Чунки у янги хотини билан никоҳдан ўтар экан бу аёлнинг шу қадар серфарзанд бўлишини билмаган экан. «Менга фақат ёш ва уй ишларида ёрдам берадиган хотин керак эди. Болалар масаласига келсак, ўзимники ҳам етиб ортади» деди қария суд мажлисида.

Афсуски, ушбу хабарни босиб чиқарган Қоҳиранинг «Ижипшн газетт» рўзномаси суд қандай қарорга келганлигини ҳозирча эълон қилгани йўқ.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Хориждан хабарлар

«Мабодо сен тақдирнинг кафтида ҳаёт кечираётган бўлсанг, унинг оёқ панжаларида яшовчи одамларни ўзингдан жуда йироқда, деб ўйламагин».
(Америка ёзувчиси Питер Устинов)

Ўқувчиларимизнинг ёдида бўлса керак, рўзноманинг 19 июнь сонида «Ўзбек аёли нимани истайди?» сарлавҳаси остида анкета саволлари чоп этилган эди. Унда ҳозирги кунда юз бераётган фожиали ҳодиса — хотин-қизларимизнинг ўзларига ўт қўйишлари муаммоси тилга олинган, бу аҳволнинг сабабларини ўрганиш, олдини олиш йўлларни қидирилганди. Ўтган вақт ичида саволларга 500 дан ортиқ жавоб-мактублар келди. Турли ерлардан, турли соҳа одамлари юборган бу жавобларнинг бирортаси бир-бирига ўхшамайди ва ҳамма ўзича ҳақ. Биз ўқувчиларимизнинг жавобларидан ташқари жумҳуриятимиз ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари, вилоят прокуратураларидан келган маълумотларни ҳам синчиклаб ўрганиб чиқдик. Ва шунга амин бўлдикки, фожианинг илдизи иқтисодий, ижтимоий-сиёсий сабаблари жуда ҳам чуқур ва мураккаб. Уни умумхалқ, умуммиллат миқёсида ўрганиб, чоралар кўриш орқалигина бунинг жиловини тортиш, вазиятни изга солиш мумкин. Бу ишга оддий фуқаронинг ҳайрихоҳлигидан тортиб жумҳурият Олий Кенгашининг қатъий чораларигача жалб этилмоғи, муаммо ички сиёсатимизнинг кун тартибидан доимий ўрин олмоғи лозим. Унинг кўламини тасаввур қилиш учун эса тўпланган жавоб ва маълумотларнинг бир қисмини эътиборингизга ҳавола қилишни, ҳозирча, энг тўғри йўл, деб ҳисобладик.

МУАЛЛИФЛАР.

РАСМИЙ маълумотномадан: «1989 йилда жумҳуриятда аёлларнинг ўзига ўт қўйиш йўли билан ўз жонига қасд қилиш ҳодисаси 233 мартаба юз берган. Бунинг натижасида 128 аёл ҳаётдан кўз юмган...».

«Бугун, 19 июнда менинг туғилган куним-эди — 23 ёшга тўлдим. Дугоналарим даврасида буни нишонлаб ўтирган вақтимда «Ёш ленинчи»даги анкетага кўзим тушди-ю, юрагимдаги қувончдан асар ҳам қолмади. Чунки ўзига ўт қўйган аёллар орасида мен танийдиганлари ҳам бор. Гулбаҳор 19 ёшида ўзига ўт қўйди, икки ёшли ўғли Алишер ёлғиз қолди...» (Мавлуда Рўзиеванинг мактубидан, Самарқанд вилояти).

Қорақалпоғистон Мухтор жумҳурияти прокурорининг ўринбосари, юстиция маслаҳатчиси А. Н. Абдуллаевнинг Ўзбекистон ССЖ Прокуратурасига юборган ахборотидан:

«1989 йилда Мухтор жумҳурият ҳудудида 115 та ўз жонига қасд қилиш ҳодисаси ҳисобга олинган. Жумладан, 23 та ўз-ўзини осиш ва ёқиш юз берган, ҳаммаси ўлим билан тугаган. Сирка ва дорилардан 88 киши заҳарланган. Ўз-ўзини ёқиш ва осиш фактлари бўйича 4 та жиноий иш қўзғатилган ва пировардида уларнинг ҳаммаси тўхтатилган. Қолган ҳодисалар бўйича жиноий иш қўзғатилиши, фактлар етарли бўлмаганлиги туфайли инкор қилинган. Тўхтатилган жиноий ишларни ва инкор қилиш сабабларини ўрганиш шуни кўрсатадики, кўпчилик аёллар (қизлар) ихтиёрсизлик туфайли билмасдан сирка ичиб олганлар ёки ўзбошимча дори қабул қилганлар. Баъзан эса ҳавойи ўйлар орқасида сирка ичганлар, ўзларини ёққанлар ёки осганлар.

М. Рўзиева хатининг давоми: «Қишлоқдошларимнинг умидсизликдан ўлиб кетишларига ишончим комил, чунки, матбуотда, умуман ҳамма жойда ҳаёт яхшиланиши ҳақида гап боради-ю, худо ҳаққи, ҳеч нарса ўзгармайди. Одамлар ихтиёрий эмас, мажбурий умидсизликка тушади. Тушкунликка тушган аёлни тасаввур қилинг: орзу-умиди пучга чиқиб, фақат болалари учун яшайди, ўзи учун-чи? Мутлақо... Ўзининг онаси қандай кун кўрди, бутун умр Тошкентга боришни орзу қилиб ўлиб кетди, ўзи театр остонасини кўрмасдан яшаб келяпти, ўйлайдики, балки қизи... Даладан иссиқда ишлаб, ҳориб келган аёл чойнакни темирга илиб, ўчоққа осиб чой қайнатади. Газ йўқ, чойнак йўқ, овқатга ишлатиладиган айрим нарсалар анқонинг уруғи. Битта сариқ сувни оромида ича олмаган, ойлаб гўшт емаган болаларига фақат ачиниш билан қараша кучи етадиган аёлни тасаввур қила оласизми?!»

Сирдарё вилояти бўйича 1989 йилда юз берган ўз-ўзига ўт қўйиш ҳодисалари ҳақида вилоят прокуратураси криминалисти К. Бекмирзаев юборган ахборотдан: Шомирзаева Кимё, 1952 йилда туғилган, Дўстлик ноҳиясида яшаган, совхоз ишчиси, 5 та боласи бор, 6 апрель куни саҳарлаб ўз уйида танасига солярка сепиб ёқиб юборган. 3—4-даражали куйиш олган, ноҳия марказий касалхонасида ўлган».

Амир Хусрав Деҳлавий ҳикматларидан:

Гар бир туя йиқилса юкчилик карвонидан,
Сорбонга юкнинг ғами ортиқ туя жонидан.

Хоразмдан Давлат Ёқубов фикри: «Бу воқеаларни (ўз-ўзига ўт қўйиш — тах.) гоҳ эр, гоҳ аёл бошига тушганини кўп кўрганман. Бундай инсонларга ҳеч ким ёрдам бера олмайди, сақлаб қола олмайди ҳам. Бу ғирт аҳмоқлик, ақлсизлик, ички бир руҳий касалликдир».

Тошкент Политехника олий билимгоҳининг талабаси Боймирзаев Шерали: «Ўзига ўт қўяётган аёлларнинг умидсизликка тушиш сабабларидан бири уларнинг калта ўйлашидадир».

Самарқанд вилоятида 1989 йил давомида танасига ўт қўйиш орқали ўз-ўзини ўлдирган ва ўлдирмоқчи бўлган аёллар рўйхатидан:

«...8. Ҳамроқулова Салтанат, 1970 йил туғилган, ўзбек, ўрта маълумотли, турмушга чиққан, битта боласи бор. Энгельс номли жамоа хўжалигида ишлайди. Ҳаёт шароитининг ёмонлиги ва моддий етишмовчиликлар туфайли 16 июнь куни ўзига керосин қуйиб ёқмоқчи бўлганда қўшнилар сақлаб қолишган...

14. Дўстқулова Раъно, 1966 йилда туғилган, ўзбек, ВЛКСМ аъзоси, ўрта маълумотли, ишламаган, 2 та фарзанди бор, «Зерабанд» давлат хўжалигида яшаган. 29.03.89 йилда тахминан кеч соат 22да ҳеч қандай сабабсиз уйида солярка қуйиб ўзини ёққан, натижада 07.04.89 йилда вафот этган».

Хоразмлик Ольга Матёқубованинг хати: **«Я думаю, что узбекские женщины никогда не смогут жить хорошо. Особенно те, которые живут в сельской местности. Почему! Да потому, что женщина — колхозница не имеет права на сокращения рабочего времени — хлопковое поле не станок, которую выключили и ушли. Оно не ждет когда его включат, а работают с утра до захода солнца, и в жару и в холод. Женщина — колхозница не сможет без всяких забот прокормить семью. Мясо — 6 руб. (ҳозир 10-15 сўм (тах), хлопкового масло редко можно купить, мука тоже, сахара нет, чай тоже может не стать в магазинах... Куда обращаться, куда жаловаться. Да и вообще кто интерисуется жизнью узбечки! Да никто обсолютно, только что совсем безобидная страница газеты».**

Урганч шаҳридан Карима Қурбонбоева: **«Менинг қариндошимни қизи ўзига ўт қўйиб ўлди. Қишлоққа турмушга чиққан эди. Бизларнинг айтганимизга қулоқ солмай чиққан эди. «Сен қишлоқнинг меҳнатларига бардош беролмайсан», деб кўп ўгитлар қилган эдик. Мана оқибати — барибир чидай олмади».**

Андижондан Марҳабохон Отажонова: **«Дала юмушлари ҳеч ҳам қийин эмас, бу ялқовлар учун шундай, холос. Офтоб остида, тоза ҳавода, кенг далада эркин меҳнат қилиб одамнинг семиришига ишонаман, аммо қийналиб қолишига ишонмайман. Тўғри, ҳамма нарса ҳам ўз ўрнида бўлиши лозим. Меҳнатдан қочиб ўзини ўлимга ҳукм этиш эса нодонлик. Аёлларни ва умуман инсонларни ўз жонига қасд қилмасликлари учун уларнинг барчасига «Қуръони шариф»дан, илму ахлоқдан сабоқ олиш бахти муяссар бўлсин».**

Омон Матжоннинг «Турғунлик йиллари» шеъридан:

Билганинг — кўрганинг пахта
бўлибдир,
Ақлинг, тафаккуринг калта
бўлибдир,
Юз сариқ, жигаринг сўхта
бўлибдир,
Наслинг шажараси бутрашга тушди.
Азиз нимамиз бор аёлдан бошқа,
Куйиб бўлсалар-да, ишда, қуёшда,
Нечук кирмакдалар яна оташга,
Қандай шармандалик бу бошга
тушди.

Жумҳурият Прокуратурасининг расмий хулосасидан: «Гарчи эскилик сарқитларига қарши олиб борилган кураш, ўз-ўзини ёқишнинг олдини олиш ва сабабларини аниқлаш борасида жумҳуриятда амалга оширилган тадбирлар туфайли бундай салбий ҳодисаларнинг сонини камайтиришга (1988 йилда 245 та эди, 1989 йилда 233 марта юз берди), эришилган бўлса-да, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона, Сирдарё, Бухоро вилоятларида ўз-ўзини ёқиб юбориш даражаси ҳамон юқорилигича қолмоқда».

Тошкентлик Жамила Маҳкамова: «Одамларда меҳр-оқибат, ор-номус, инсонийлик бурчи, эътиқод кабиларнинг унутилиши натижасида биз — аёл ва қизларнинг қалбимиз яраланиб, қадримиз жуда пастга уриб юборилмоқда. Қонунлар, конституциялар, қарорлар ҳаётга тадбиқ этилмаяпти. Шаҳар ва қишлоқ ҳаёти худди икки формация ўртасидаги фарқдек чуқурлашмоқда».

Андижондан Саодат Жабборқулова: «Айрим аёлларнинг ўз жонига ўзи қасд қилаётганининг бош сабаби — ўша аёлларнинг иродасизлиги, деб биламан. Ўлдинг-ўчдинг, ўлганга қийин. Ҳаёт эса ҳеч қандай ўзгаришсиз давом этаверади. Аёлнинг ўлимига сабабчилар жазоланмай қолаверади».

Немис мутафаккири Иоган Вольфганг Гётенинг «Ёш Вертернинг изтироблари» асаридан:

«Дарвоқе, хон бўлганимда, ўз мамлакатимдаги дарахтлар билан неча пуллик ишим бўларди».

Сирдарёдан Гулсара Алибоеванинг фикри: «Сиз раҳбарлар нўноқми, деб сўрабсиз, аксинча, улар нўноқ эмас, балки пишиқ ва муғомбир. Баъзи раҳбарлардан нажот кутсангиз, аксини қилишади».

Тошкент шаҳридан Хўжаева Манзурахон: «Қачонгача рўзномаларда «Бизда ҳаммом йўқ, болалар боғчаси йўқ, клуб йўқ, магазин йўқ, мактаблар бир аҳволда» деган аянчли сўзларни ўқиймиз?! Ахир қишлоқликлар ҳам одам, одамга ўхшаб яшаши керак-ку! Худонинг берган куни мажлис, мажлис бўлаётган хонадан ташқарига чиқсангиз эса ҳаёт ўша-ўша — эски ҳаммом, эски тос... Э, барибир, мени ёзганимнинг ҳам фойдаси йўқ. Қанча бақирма, барибир сени ҳеч ким эшитмайди».

Яна бир тошкентлик аёл Муфаззахон Комилованинг қараши: «Менимча, шаҳарлик аёлларимизнинг яшаш тарзи, мавқеи, агар уларнинг ўзлари хоҳлашса, жуда яхши. Лекин қишлоқлик аёлларимизнинг яшаш тарзи умуман яхшиланмайди».

Бухоро вилояти Прокуратураси юборган ахборотдан:

«1989 йил, 31 августда 1958 йилда туғилган Раҳмонова Зумрад ҳеч қандай сабабсиз ўзига солярка қуйиб ёқиб юборган. У эридан ажрашган бўлиб, 4 нафар балоғатга етмаган боласи қолган. Кўрсатилган тиббий ёрдамга қарамай, 13 сентябрда вафот этган. Ўлимидан олдин Раҳмонова З.нинг ўзидан сўралганда, уни ўз-ўзини ёқишига ҳаётнинг қийинчиликлари сабабчи бўлганини, бунинг учун ҳеч кимни айбдор ҳисобламаслигини, ҳеч ким уни мажбур қилмаганини айтган...»

Шоир Муҳаммад Солиҳ шундай ёзади.

Ҳақиқатни айтсам,
Тўғрисини айтсам,
Хафа бўлмайсанми мендан!
Ўкириб йиғламайсанми ўзи,
Урмайсанми бошингни деворга —
Ҳақиқатни айтсам!
Ҳақиқатни айтмайман,
Агар йиғламасанг
Уни эшитиб,

Бошингни урмасанг агар деворга!

Янгийўллик Ўрозов Фахриддиннинг қараши: «Аёлларнинг ўз жонига ўзи қасд қилаётганининг бош сабаби — уларнинг ўз номига иснод келтирувчи ишларни ўйламасдан қилишидадир».

АГАР ЮРТНИНГ ЭРКАКЛАРИ ЁНМАСА...

Бухоролик қиз (унинг истагига кўра исми-шарифини ёзмадик): «Қайта қуриш деймизу, лекин бизларга қайта қуришнинг ҳали шамоли ҳам келгани йўқ, бундан кейин ҳам келмайди. Бизлар бир қишлоқи қизлармиз. Ҳозир ҳамма нарса қимматлашиб боряпти, ҳатто нон билан ун ҳам рўйхат билан бериладиган бўлиб қолди. Биз эрталаб 6 яримда чиқиб далага ишга борамиз-да, кеч соат 8 яримда қайтамиз. На оилага қараб бўлади, на ишимизни қила оламиз, на бола тарбияси билан шуғуллана олади ота-оналар. Бизларда боғча бор, лекин у номига боғча... Шулардан оилада жанжаллар келиб чиқади ва хотин-қизлар ўзларига ўт қўядилар. Мен ҳам шулар қаториданман. Икки марта ўзимни ўлдирмоқчи бўлдим, лекин ота-онамга, укамларга ва оила аъзоларимга ачиндим».

Шоира Турсуной Содиқованинг «Меҳригиё» китобидан: «Ўзига ўт қўйиш ҳолатлари кўпаймоқда, деб жар соляпмиз. Бундай фалокатга ҳали у, ҳали буни айбдор қилиб, жабрланувчини салкам қаҳрамон қилиб кўрсатишдан аввал ота-онасини, бола-чақасини, ёру-биродарларини қонқақшатиб, жоҳиллик билан ўзига ўт қўядиган шахсларнинг пайдо бўлиш илдизлари ҳақида ўйламоқ керак... Шу фожиага қўл урган аёлларнинг ўн-ўн беш фоизи ночор аҳволда бўлган бўлса бордир. Аммо шароитнинг қандай бўлишидан қатъий назар, орқасида боласи қолиб ўзига ўт қўйган бўлса, уларни асло кечириб бўлмайди. Ўзидан бошқани унутиб, шунча жонни умрбод кулфатнинг домига ташламоқчи бўлган зот халқ олдида жавоб берсин!»

Расмий маълумотномадан: «Ўзига ўт қўйган аёлларнинг 139 нафари турмушга чиққан бўлиб, уларнинг ортидан 178 бола етим қолган».

Сирдарёлик қизнинг хати: «Кам қонли аёлларга 30 сўмлик озиқ-овқат берилсин, дейилди. Уни олиш учун аёллар камида икки-уч кун магазинга бориши керак, барибир шунда ҳам ўзи хоҳлаган нарсани ололмайди. Бу ҳам ҳаммага берилмайди, фақат оиласидагиларга ойлик маош 50 сўмдан тўғри келмаганларга берилади. Оилада ҳар бирига 60—70 сўмдан тушадиганларнинг кўпчилигида ҳам оналар камқонли бўлади, лекин уларга озиқ-овқат берилмайди. Бу аёл ўйлайди: «Қони камлар ҳам фарзанд кўраяпти, оиласини боқяпти, мен ҳам бир кунимни кўрарман», деб фарзандини кўпайтиради, оиласини боқади-ю, 30 ёшга кирмай 50 ёшлардаги хотинга айланиб қолганини билмайди... Балки ёзган фикрларимнинг ҳаммаси нотўғридир, чунки жамоа хўжалиги аъзосининг дунёқараши унчалик кенг бўлмайди, деб ўйлайман». Жиззахлик Ҳайдарқул Муртазоқулов: «Хотин-қизларга боласини токи мактабга бергунга қадар ишламасдан ўз уйида тарбия қилишни тавсия қиламан. Детсад, детяслиларни умуман тугатиш керак. Уларга кетадиган харажатларни болалик оналарга маош шаклида ҳар ойда бериб туриш керак. Чунки детсадларда, чўпон далада қўйини боқиб юргандек, нимжон болалар нобуд бўлаверади, қолганлари шумликни, ҳурматсизликни, бетга чопарликни ўрганаверади... Кейин, ёлғиз оналарга ёрдам, деган гаплар чиқяпти. Мен шунга тушунмадим, унинг отаси қани, отаси бўлмай ўйнашдан туғилган болани, яъни ҳароми болани тарбия қилишни нима кераги бор?! Бунақанги она-болаларни таъқиқлаш керак, негаки, одамларнинг насли ёмонлашиб, давлатни инқирозга олиб бормоқда... Мен бу хатни Москвага юбормоқчи эдим».

Лотин Америкаси ёзувчиси Габриэл Гарсия Маркес:

«Агар мен Фидель Кастронинг ўрнида бўлганимда Кубадаги болалар боғчалари, лагерлари, болалар уйлари ва яна ўнлаб идораларининг пулларини аёлларга тақсимлаб берар, уларни шу пулни топиш учун бажарадиган давлат ишидан озод қилган бўлардим. Бундан, балки давлат вақтинча ютқазарди, бироқ миллат абадий ютган бўларди. Чунки Ватанни, миллатни, тилни, урф-одатни, инсонийликни бола фақат оилада, фақат онасининг бағрида англайди».

Фарғонадан Юлдузхон Худоёрова: «Биз ёшлик чоғимизда қачон уйга кирсак, доим онамиз уйда бўлардилар. Нимага тушунмасак, тушунтирардилар, ноҳақликка дуч келиб қолсак юпатардилар. Кап-катта бўлганимизда ҳам алла айтиб ухлатардилар. Ҳозир-чи, аёлларимиз алла айтгани уяладилар (кўпчилиги аллани билмайди ҳам!), фарзандларига эртак, мақол тугул яхшироқ сўз топиб айтгани ҳам вақтларини қизғонишади. Уйда худди меҳмонхонага келиб кетгандек сезасан ўзингни—куни билан ишда бўласан».

Расмий маълумотномадан: «Ўзига ўт қўйганларнинг 119 нафари 18 ёшдан 28 ёшгача бўлган қиз-жувонлардир. Уларнинг 109 таси давлатнинг хўжалик ва корхоналарида ишлаган. Аёлларнинг 139 нафари ўрта, 5 нафари олий маълумотли эди...».

Герман Вамберининг «Бухоро ёҳуд Моварауннаҳр тарихи» асаридан: **«Темур саройидан четдаги кўпгина аёллар ҳам Кичик Осиёнинг жуда қимматли жавоҳири-ю, Исфахон, Мўлтон, Ганжа, Дамашқ, Бурса, Венеция заргарларининг нафис асарлари билан ўзларига оро берганларидек, эркаклар ҳам ноёб тошлар билан безатилган қуроллар ва камарларини кўрсатиб, кўзни қамаштирар эдилар».**

«Ахборот» ва бошқа кўрсатувларда деярли ҳар куни янграйдиган суҳбатлардан: «Мана, болаларимизга ҳар куни 15 тийинлик текин нонушта беріляпти, бу бизнинг оиламизга жуда катта ёрдам. Бунинг учун партия-ҳукуматимизга мингдан-минг раҳмат айтамиз...».

Тошкентдан Азиза Эшонқулова: «Ўзига ўт қўяётган аёлларнинг умидсизликка тушиши ҳам моддий, ҳам маънавий қашшоқликка бориб тақалади. Аёл давлат ишига бормаган тақдирда ҳам эрталабдан кечгача тиним билмайди. Сигир соғади, сут пиширади (аксарият жойларда ўчоққа тезак ёқиб), қуви қилади, атала (сигирга, итга) пиширади, эрини ишга, қайнукаларини мактабга жўнатади. Қайнона-қайнотасига нонушта тайёрлайди, ўзининг боласига эса вақт йўқ. Соат 10 ярим 11 ларда бир бурда нон билан апил-тапил чой ичади. Ўзи соққан сутнинг қаймоғидан ярим пиёла олиб емайди, қайнонасидан чўчийди. Чой ичиб бўлиб боласига қараган бўлади. «Қаради» деганим— ё бешикдан ечиб ерга олади, ё бешикка биғиллатиб тиқади. Кейин яна иш — ўзининг кирини, қайнона-қайнотасиники, қайнукаларининг кирини ювади ва ҳоказо. Ўртада хамир қориб нон ёпади. Тушликда бўлса яна ҳалигидай емиш. Айтингчи, бу аёлда кўкрак сути борми йўқми? Кечқурун овқат тайёрлаб дастурхонга олиб келади. Ҳамма оила аъзолари қатори у ҳам ўтиради, бироқ боласи йиғлаб овқатланишига ҳалал беради. Кейин ҳаммага жой солади, ўзига ҳам. Энди, мени кечиринглару, бу аёлнинг эри билан ётишга қандай ҳоли бўлсин. Боши ёстиққа тегмасдан уйқу босади, бир ёқдан боласи йиғлашга тушади... Майли, шунча хизматини қилиб бирортасидан ширин гап эшитмайдиган бу аёл суянган тоғи, бир ёстиққа бош қўйган эри жониворлан нима эшитади? Кошки, эри хотинини ҳурмат қилса, салгина бўлса ҳам эркаласа, ёрдам берса, ҳеч бўлмаганда хотинини исми билан чақирса. Йўқ!!!

Эр нима дейди: «Ҳой ифлос, сочиқ қани, тентак, нима бало кўрмисан. Уласанми шимимга дазмол босиб қўйсанг, ҳей, шалвирамай ўл, тур молга қара, болангга қара... «Бу — «ширин» муомаладан фақат бир шингил, холос. Хўш, шу аҳволдаги аёл нима қилади? Унга бундан қутилишнинг бирдан-бир йўли ўзига ўт қўйиш бўлиб туюлади. Кейин ўлсаку яхши. Ўлмай қолса, эри кечирим сўрайди, қайнона-қайнотаси қилмишларидан пушаймон ейди, деб ўйлайсизми, йўқ, бу аёлнинг боши энди умрбод таънадан чиқмайди».

Қашқадарё вилояти бўйича маълумотдан:

«...16. Ҳусанова Сайёра, 1954 йилда туғилган, олий маълумотли, КПСС аъзоси, турмушга чиққан, 5 та боласи бор, ўрта мактаб ўқитувчиси. 12.11.89 йилда ўзига ўт қўйган. Сабаби — эри билан жанжаллашгани. Вафот этган. Жиноий иш қўзғатилиши рад этилган...

39. Зиёдуллаева Норгул. 1957 йилда туғилган, ўрта маълумотли, турмушга чиққан, 4 та боласи бор, уй бекаси. Ҳеч қандай сабабсиз ўзига ва янги туғилган гўдагига керосин қуйиб ёқиб юборган. Иккиси ҳам ўлган. Қўзғатилган жиноий иш тўхтатилган».

Охунд Лутфуллоҳ Сулаймоний қизи Олимату-л-банотнинг «Муошарат одоби» рисоласидан: «Эрларнинг ақли, қуввати томонидан хотунлардан ортиқ эканликларига шубҳа йўқдир. Шунинг учун дунёнинг энг аччиқ тирикликларига заиф хотунлар сабр этган ва тўзим берган ҳолда, ақлли ва қувватли эрлар одил иш юритмасалар, улуғ айб бўлади. Хотунлар ҳақида шафқатли ва марҳаматли бўлмоқ, шунингдек, хатоларни афв этмак лозим бўлади».

Самарқандлик Мухтасар Эшонқулова: «Қишлоқда жуда кўп аёллар камқон, хаста, касал. Худди шунинг учун ўзига ўт қўйган хотин-қизлар бизда ҳам бўлди. Онаси ўлиб етим қолган болаларга қишлоқ Шўроси томонидан ёрдам берилди. Ахир ўша етим болаларнинг онаси ўзига ўт қўймасдан бурун ёрдам қилинса, аёл ҳоли суриштирилса бўлмасмиди?»

Олмалиқ шаҳридан Жамила Жўраева: «Агар аёлни одам ўрнида кўрилмас экан, уни тушунилмас экан, хоҳ уни дала ишидан халос этинг, хоҳ моддий ёрдам кўрсатинг, хоҳ табиий муҳит яхшилансин ҳаммаси уч пулга қиммат. Аёлга ҳар нарсадан кўра инсоний, яхши муомала керак».

Чустлик Муқаддасхон Сайдаҳмедова: «Севги билан қурилган оила ажрашмайди, деб ким кафолат бера олади. Аёлларнинг ҳуқуқини ҳимоя қиладиган нуфузли ташкилот ҳақида сўрабсизлар. Шунча «нуфузли ташкилотлар» қила олмаган ишни янгиси қилиб беришига ишониш — хом хаёл».

Холбуви Эргашева, шоира: «Темир-терсакларнинг нархи осмонда, кўз ёшларнинг нархи арзон... Эсимда, тўққиз ёшимда қишнинг узун тунларида бобом сўзлаб берган «Гўрўғлининг туғилиши» достони. Роса йигирма тўрт ойдан сўнг она кўксидан сут келмай қолганда, Гўрўғлининг бўзлаганларини эшитиб, менинг ҳам бўзлаганларим. Она ўлиб ётган бўлса ҳам нуридийдасини кўкрак сутидан маҳрум этмаган. Иқтисодий жиҳатдан етишмовчилик, муаммолари, деймиз. Аммо бир бурда нонга сабр-қаноат қилиб, ўн тўрт-ўн беш болани вояга етказган момоларимиз, оналаримиз тирикку?!».

РАСМИЙ МАЪЛУМОТНОМАДАН: «Ўз-ўзига ўт қўйган аёлларнинг 48 таси ВЛКСМ, 3 таси КПСС аъзоси эди. Уларнинг 213 таси ўзбек миллатига, 9 таси тожик миллатига, қолган 11 таси бошқа миллатларга мансуб».

Бухородан Гўзалхон Худоева: «Ҳар икки жинсда ҳам — эркакда ҳам, аёлда ҳам динга бўлган эътиқодларини кучайтириш керак. Бугунги авлодимизнинг бўлгани-бўлди, энди келажак авлодларни шундай тарбия қилишимиз лозим».

Хўжаободлик Арофат Сотволдиева: «Шароити оғир оилаларга кўп фарзанд туғишни таъқиқлаш керак».

Избоскандан Фаридахон Долимова: «Иқтисодий, моддий, маънавий, сиёсий танглик, адолатсизлик, кўзбўямачилик, порахўрлик, социал-иқтисодий тенгсизликлар ҳукмрон жумҳуриятда фарзанд яратмасликни таклиф қиламан».

Қамаши шаҳридан Абдусалим Аллаёров: «Аёлларнинг аҳволи ҳеч қачон яхшиланмайди. Чунки якка мафкуравий жамиятимиз мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини ҳал этишга тўсқинлик қилади».

«Сиз жумҳуриятимизда аёлларнинг яшаш тарзи, мавқеи қачон яхшиланади, деб ўйлайсиз» деган саволга, жумладан, қуйидаги жавоблар йўлланган:

1. Ҳеч қачон яхшиланмайди (кўпчилик шу фикрда).
2. Мустақилликка эришганимизда.
3. XXI аср ўрталарида.
4. Шу кетиш бўлса, ҳеч қачон яхшиланмайди.
5. Ҳаракат қилинса, тезда яхшиланади.
6. Йил санамасдан тезлаштириш керак.
7. Эркакларга инсоф берганда.
8. Яхшиланиш чексиз давом этади.
9. Қишлоқ фақат қоғозда яхшиланади.
10. Қачон ўзбекчиликка қайтилса.
11. Аёлларни оғир меҳнатдан халос этилса (кўпчилик)...

Андижон шаҳридан С. Ҳамидова: «Агар йигитларимиз аёллари ёнмаётган халқларнинг эркакларига ўхшашса».

Ва сўнгги хат: «Мен, Холматов Тўлабой, чўпон бўлиб ишлайман. Олти фарзанднинг отасиман. Тоғда зерикиб ётиб «Ёш ленинчи» рўзномасига кўзим тушди. Ўзимча жавоб ёздим, хафа бўлмайсизлар...

Ўзбек хотин-қизларимизга илтимосим шуки, ҳеч қачон бевақт ўлимга йўл қўйманглар, бевақт ўлим биз — эркакларнинг бошини эгиб, қаддимизни букиб қўяди. Ҳеч ким ҳаётни енга олмаган. Лекин ҳаётни енгаман, деб яшаш керак.

ҲАММАЛАРИНГИЗ биз томонга дам олишга келинглар. Оқсоқотага!»

Замира МАДАЛИЕВА,
ЎзЛКЁИ МҚ ҳузуридаги кадрлар ва фаолларининг малакасини ошириш илмгоҳи ходими.
Раҳмон ҚЎЧҚОРОВ,
ТошДД ўқитувчиси.



АНА, УНИНГ ЎЗИ

Аёл. Жамиятнинг гули. Унингсиз ҳаёт татимайди. Турмуш фаромуш, маънисиз. Юришинг-туришингда ҳам суянчиғингда у. Ана шу буюк зот — бека тамаки тутатиб турсачи? Бундан даҳшатли томоша йўқ. Очиғи бундай ҳолни ҳазм қилиш мумкин эмас. Кечириб бўлмайди. Начора. Кўргулик экан. Бу қусур илдиз отиб оммавийлашиб бораётганлиги ундан-да даҳшатлироқдир. Аммо унга мослашиб, кўникиб қолмоқдамиз. Баъзан улар билан ёнма-ён [illegible] Нозик бармоқлар, табассумга мойил дудоқ [illegible] Фожеа бу фожеа. Бешик устида энгашиб, гўдагига кўкрагини тутган келинчакнинг тамаки тортишини тасаввур эта оласизми? Чап қўли мурғак норасида [illegible] эса кўк тутун чиқараётган тамакини лабларига узатади. Худо кўрсатмасин бу манзарани.

Бежизга ташвишланаётганимиз йўқ. Эътиқоди, имонидан кечган ўзбек қизлари ҳам сигаретага ружу қўйишганини яшириб бўладими?

Ҳали оғзидан сут ҳиди кетмаган ўспиринларни-ку қайтара олмадик бу йўлдан. Наҳот энди сингилимиз, опамиз, оилаларимизни кечириб бўлмас [illegible]


Суратларга термулиб даҳшатга тушаман. Дур узукли бармоқ. Ахлатхонага тушиб ётган гул. Бошқача атолмайман. У ҳатто кўп оғу туфайли олтин балиқни ҳам тошга айлантирди. Эсиз. Сувликда ўрганган бечора жонивор. Ташналигинг оздек елкангга [illegible] бўсишади-я. Бегоналар эмас. Бола кўксини сийпалаш учун яралган онанинг қўллари у.

Ана унинг ўзи. Ёнингда турибди. Нигоҳи узоқда қадалган. Кўзлари заъфарон. Кимлар, нималар ҳақида ўйлади. Балки [illegible] пиросини орзуласа. Униг оғзидан сочилаётган тутун ангоридаги гўзалликка парда. Майли, чекаверсин. Ўпкаси ҳириллаб жарроҳ пичоғи азобини тортса пушаймон ер. Лекин унда...

Ғарбнинг бизга «совға» этган бу туҳфасига айрим енгилтак қизларимиз бахонидил хонадонлари тўрини кўрсатишди. Гўёки бу замонавийлик эмиш. Ё алҳазар! Ана сизга онгнинг бойигани. [illegible] Ўзбек [illegible] иффатда, шарми-ҳаё, билимдонликда. Ўзбекона [illegible] Йўқ. Бўлмайди. [illegible]

* * *

Суратлар муаллифи
В. ХРИСТОФОРОВ.
(ТАСС).



Нина ЧУГУНОВА



Ҳаётда «Артек»дан кўра яхшироқ жой бўлмаган, кейинги йигирма беш йил буни исботлади. Гарчанд у гўё унутилган, қўл етмас даражада йироқлашгандек туюлса-да, аммо узуқ-юлуқ хабарлар келиб турган бу оролга гоҳида қадам қўйиш ҳам насиб этади.

«Ромашка» биносига мени аллақандай қардош комфирқа котиби каби олиб келишди. Мен лаҳзаларнинг тантанаворлигини эмас, котибнинг мункиллаб қолганлигини назарда тутаман. У кўзлари ёшланиб, кулимсирайди ва ҳатто нималарнидир танигандек бўлади. Мана — сарв дарахти, мана — денгиз. Қизил стуллар айвон бурчагида қалашиб ётибди. Болалар тинмай саломлашишади. Бунинг ҳеч бир ёмон жойи йўқ. Кечқурун неон чироқларида ранги туссизлашган бола фонограмма остида қичқириб сакрайди ва янги мафкурага биноан, болалар кафтларида тутиб турган кўплаб шам ёруғида кашшофлар концерти — «Аве, Мария» қўшиғи қулоқни қоматга келтиради.

Кундузи эса, катта, куз офтобида тобига келган ўйингоҳда кашшофлар ташкилотининг Бутуниттифоқ слёти (эҳтимолки сўнгги слёти?) ўз ишини давом эттирди. Бу ерда ғоят муҳим масала — пионер ташкилоти бутун мамлакат болаларига (бир вақтлар бутун дунё болаларига эди) намуна бўлиб қолаверадими ёки ёш кашшофлар кўзида ёниб турган сиёсий ўт ўчирилиб, эркин болалар ташкилотларининг тенг ҳуқуқли федерациясидан камтарона жой олинадими, деган масала ҳал этилади. Ҳозирча бутун мамлакат болаларига бошчилик қилаётган кишилар Олий Кенгашда ўз кашшофлари билан ўйнаётирлар (ҳеч кимни ранжитмоқчи эмасман) ва тортинибгина сўз сўраётган ўз кашшофларига микрофон орқали мурожаат қилаётирлар... «Бу масалада мен слёт билан маслаҳатлашишим лозим. Слёт, унга сўз берамизми? Сўз берилмасин, деганлар қўл кўтарсин! Демак, ўз ишимизни давом эттирамиз, шундайми?».

— Ҳааааа!— жавоб қилади слёт.

Яхши тушунаман — бу бизнинг сўнгги коммунистик умидимиз. Ёки, халқ сиймосида бошқарилувчи ташкилотга эга бўлишнинг сўнгги умиди. («Артек»да сиёсий раҳбарларни тайёрлаш мумкинлигидан ва зарурлигидан нега энди биз воз кечишимиз керак?» — деди ҳамкасбларимдам бири менга. Э-ҳа, «Артек»да айрича шахс бўлиб туюлганимни энди англадим; уйда, жонажон ташкилотимизда бунинг учун муштлашиш лозим эди).

— Ҳаааа! Йўўўўқ! Ҳаааа!

Эшитдингизми? Болалар делегацияси норозилик тариқасида тайёрагоҳни ташлаб чиқишди. Кеча мажлис эрталаб соат бешгача давом этди. Тарқалишди ва бир неча соатдан кейин кенгашиш учун яна йиғилишди. Қандай мардонавор болалар! Қанчалик ўйлаб, фикр билдиришади-я. Катталарнинг хатоларини қўрқмай кўрсатишларини айтмайсизми? Делегация раҳбарларидан бири кенгашга кечикиб келгани учун болалар томонидан қаттиқ огоҳлантирилди. Устига устак, у кенгашга бир аёл билан ташриф этганди. Телестудия ходимлари эса болаларни ўз мандатларини телекамера олдида қутига ташлашга мажбур қилишди. Болалар юз берган можарони текширишни талаб этмоқдалар.

— Иш-лай-миз! Иш-лай-миз!

Устав муҳокамаси чоғида бу сўзни болалар дона-дона қилиб қичқиришди.

Қуёш қиздиради. Чошгоҳ.

Олдимга бир киши келиб, деди:

— Биламан, сиз «Огонёк»дансиз. Огоҳлантириб қўяй: вазифасига кўра сизни лақиллатиб, ёлғон-яшиқ хабарлар билан таъминлаши лозим бўлган махсус кишилар сизга бириктириб қўйилган. Улар фош қилувчи мақола чиқишидан қўрқишади.

— Бириктириб қўйилган? — деб сўрадим ва Литва делегацияси кашшофлар етакчисига ҳавасланиб қараб қолган сураткашга олазарак кўз ташладим.

Тунда журналистларга аталган қаҳвахонада менга шундай дейишди:

— Афсуски, биз бор ҳақиқатни ёза олмаймиз. Мана сиз!

Яна атрофимга олазарак қараб олдим. Фош қилувчи мақола! Фош қилувчи мақола тўғрисида биз нимаям билардик? Биз ўзимиз кашшоф ёшимизда қандай эдик? Кимдир ишонч билдирибми, қўлимни қисиб қўйди. Қаҳва текин эди. Шундай қилиб, фош этиш тўғрисида биз нима биламиз? Ва нима қилсак, у энг мақбул фош этиш бўлади? Ва нима энг яхши исбот-далил ёки энг яхши ҳимоя бўлиши мумкин... Мен ана шу жумлалар билан сўзимга нуқта қўймоқчимасман. Улар ҳамма ерда сочилиб ётибди. Бу қандайдир адоғи йўқ ҳижжалашлар... Менга ушбу даҳшатли етмиш йил ичида болаларни не куйларга солганимизни дангал ва қўрқмай гапир, дейишади. Ҳиқилдоқларидан тутиб гапир, дейишади. Ва мен ҳолдан тойиб тентираклайман, мени эса кимдир кузатиб юрибди. «Ҳиқилдоғидан тут!» Мен қаҳрамон кашшофлар ва барча болаларга ибрат бўлган кашшофлар ҳақида, намунали ва раҳбарлик лавозимида бўлган кашшофлар ҳақида ўйлайман. Ўйлаб чиқарилган, ишончли, виждон қийноғи нима эканлигини билмаган, ўз ватанини оташин севган, улуғ Ленин васият қилганидек, Коммунистик фирқа таълим берганидек яшаётганлар ҳақида, тиришқоқ, меҳнаткаш, картошка ҳақида қўшиқ айтувчи инсонлар тўғрисида ўйлайман. Бу болалар қаерда яшашган? Кейин қандай қилиб ҳаётга кириб боришган? Китобдан ва қўшиқлардан четга чиқишганми, бунга журъат этишганми?

Ва яна ўйлаб кетаман: кашшоф деганимиз, ҳақиқатан ҳам бор гапми ўзи? Яхшилик даракчилари — содда болалар, бу бизнинг эътиқодимиз қурбонлари эмасми?

Мен бу сўзларни хаёлан гапираман, эй, менинг кашшофим, ўзингдан хабар бер. Соғ-омонмисан?

Денгизда шамол қўзғалди. Ўша томонга боқиб, ҳайратдан қотиб қолдик.

* * *

— Мен? Менинг принципларимни сўраяпсизми? Ҳалоллик, дўстлик... Мен, масалан, дўстларимни сотишни истамайман... Мен, масалан, ҳалол, одил бўлишни истайман... Яна, ахлоқий баркамоллик. Яна ҳалоллик, дўстлик. Умуман, биласизми, мен қандай давлат тарафдориман? Иқтисодиёти капиталистик бўлган давлатни, чунки капитализм — иқтисодиётнинг яхши томонидир.

— Кечирасиз, ёшингиз нечада?

— Ўн бир... яримда.

— Авваллари социализмга ишонармидингиз?

— Ҳеч қачон ишонмаганман. Аммо фақат биздаги, бу — социализм эмас. Бизда социализмнинг ўзи йўқ. Нима эканлигини англаб бўлмайди. Биз капитализмга хос энг ёмон нарсаларни ўзлаштириб олганмиз.

— Келинг, бир бошдан гаплашайлик. Сизда қандайдир ёмон хусусиятлар борми?

— Билмадим.

— Одам ўз-ўзини билиши керак?

— Наҳотки? Мен жуда паришонхотирман. Суҳбатдошимнинг сўзларини тез-тез бўладиган одатим бор.

— Алдашга тўғри келганми?

— Менимча, ҳа.

— Аблаҳлик қилишга-чи?

— Йўқ, ҳеч кимга аблаҳлик қилмаганман.

— Истамагансан ҳам? Масалан, жаҳл устида ҳам-а?

— Йўқ. Агар жаҳл устида бировни ўлдиришни хоҳлаганимда ҳам, мен ўзимдаги бу истакни дарҳол сўндираман. Ахир бу дунё қўрқинчли! Ўзга сайёраликларга сиз қандай муносабатдасиз?

— Шошманг. Лениндан бошлай қолайлик. Ленинни яхши кўрасизми?

— Ленинними? Нима десам экан... У ҳақда нима ўйлашни ҳам билмайман. Ленин ҳақида кўп ўқиганман. Масалан, озиқ-овқат разверсткасини ким ўйлаб топган? Сиз бу ҳақда билишингиз керак. Озиқ-овқат разверсткаси ҳақида сиз кўп нарса билишингиз керак. Мана мен қандай ўйлайман. Кимдир Ленин ҳақида ёки Сталин ҳақида гапирса, мен ўйлаб кетаман. Ва ўз нуқтаи назаримни қидириб топаман.

— Сиз қандай ўйлайсиз — иборалар биланми ёки тасвирлар билан?

— Кўпроқ иборалар билан. Аммо кўпинча ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб кетади. Давлатимиз қисмати ҳақида жуда тез-тез ўйлайман. Қаёққа бораяпти у?

— Ҳа... Унда айтинг-чи, инқилобга нима зарар етказди?

— Кўпфирқаликнинг бекор қилиниши унга кўп зарар етказди. Лениннинг эсерларни йўқ қилиши даҳшатли хато эди! Ундан ҳам баттар; бу жиноят эди! Қаранг, Қўшма Штатларда қандай демократик бошқарув мавжуд! Бу ҳақда менга акам гапириб берган. У ерда ҳатто ҳар бир киши ўз миллий байроғини сотиб олиши ва уни ёқиб юбориши мумкин!

— Инқилоб қилиш шартмиди ва ҳануз бизда подшоҳ бўлганида яхшироқ бўлмасмиди?

— Албатта, яхши бўларди. Худди Англиядагидек. У ерда подшоҳ амалда ҳеч нарсани бошқармайди. У ерда бош вазир бошқаради, қиролича эса шунчаки мавжуд. Ва мен шундай ўйлайман; отиш тўғрисидаги декретга Ленин нега қўл қўйган, нега? Нима учун у... уятли ахлоқсизликка йўл қўйган? Ахир бу шафқатсизлик-ку! Тасаввур қилинг-а, ҳатто кичик болаларни ҳам отишган. Агар менда вақт машинаси бўлганида, биласизми, нима қилардим?.. Мен ўтмишга сафар қилиб, уни ўзгартирар эдим. Инқилоб, албатта зарур эди. Бироқ бундай қонли инқилоб эмас. Биз эса француз инқилобидан намуна олдик. У ерда даҳшат юз берганди. Бу Робеспьер дегани...

— Ҳар қандай инқилоб қон тўкишлар орқали амалга оширилади, чоғи.

— Чамаси, шундай. Ҳар қандай инқилоб — ёмон.

— Ҳукумат алмашинуви қонуний асосда рўй бериши лозим.

— Биз ўз подшоҳларимизни ўлдиришга ва подшоҳ ўрнига келган кишиларга эса ишонмасликка ўрганиб қолдик?

— Ўтган йиллар ичида биз ҳамма нарсага ўргандик.

— Бирма-бир cананг-чи.

— Санайми? Дейлик, бизни ёлғон гапиришга ўргатишди, биз дўстларимизни... сал қолса, ўз онамизни сотишга ўргандик? Биз шахсга сиғинишни, диктатурани, алдаш ва ўз-ўзини алдашни қабул қилдик! Биз ўзимизникиларни, энг яхши, энг содиқ кишиларимизни қирғин қилдик.

— Агар сизга жазолаш ҳуқуқи берилса, Сталинни отишга ҳукм қилармидингиз?

— Йўқ. Бу жуда оддий жазо бўлур эди. Уни юз марта отиш керак эди! У энг оғир азоб-уқубатларга ва қийноққа лойиқ эди.

— Сталин учун қандай қийноқ ўйлаб топган бўлардингиз?

— Қандай қийноқ дейсизми? Бир одамни қандай қийнаганларини ўқиганман. Уни бўйнигача ерга кўмиб, устига хасхашак ташлашган-да, ёқиб юборишган. Мен буни Майн Ридда ўқиган эдим. Бироқ у ерда воқеа сал бошқачароқ кечган, ўша одам яхши киши бўлиб, уни алдоқчи — мулат сотган эди. «Оцеола — семиноллар йўлбошчиси» деб аталарди ўша ҳикоя. У мен энг яхши кўрган ҳикоя. Ҳа...

— Сиз Сталиннинг азобланишини томоша қилиб турармидингиз ёки гулхан ёнидан кетармидингиз?

— Мен томоша қилган бўлардим. Гарчанд, уни бутун халқ олдида суд қилиш керак бўлса ҳам. Азоб-уқубатлар нима эканини ҳис қилсин учун ҳам шундай қилиш лозим эди. Сўнгра эса, уни асл ҳолига қайтариш даркор. Токи у бу даҳшатларни эслаб юрсин учун.

— Сиз худога ишонасизми?

— Ишонаман.

— Дўзах борми? Жаннат-чи?

— Билмайман. Лекин нимагадир умид қилишни хоҳлардим. Акс ҳолда яшаш қўрқинчли туюлади! Мана мен ўлсам, ёки мени ўлдиришса ва мен бунинг учун қасос ололмайман, ҳеч нарса қилолмайман. Кейин нима бўлади — кейин ҳеч нарса бўлмайдими? Мен бундай деб ўйлайман. Одам бутун умри давомида миясининг атиги ўн фоизини ишлатади. Миянинг қолган қисми нима билан машғул бўлади? Эҳтимол, унда сир яширингдир? Кўп ўйладим ва у ерда зоҳир топдим. Буни телепортация дейдилар. Яна мен қўлларимни силкитмасдан парвоз қилишни истайман. Барибир бу нарсалар тушга киради, демак, бу ерда бир сир бор.

— Сиз ғаройиботларни кўрганмисиз?

(Давоми бор).

Ёшлар ижоди

Қалбимизга қулоқ солайлик

Кеча ва бугун, бугун ва эрта. Мана шу 48 соат давомида биз нималарга эришдигу, нималарни бой бердик? Ўтган умримиз давомида-чи?

Гуржи ёзувчиси Александр Чхеидзе қаламига мансуб «Қалбингга қулоқ сол» асари асосидаги спектаклни кўриб ўтирарканман, беихтиёр хаёлимда шундай саволлар айланаверди. Албатта, спектаклни қайси театр қўйгани кўпчиликни қизиқтирса керак. Уни профессионал театр эмас, балки Тошкент шаҳар, Октябрь ноҳиясидаги Ойбек номли 115-мактабда ташкил этилган драма тўгараги аъзолари ижро этдилар. 1987 йили ташкил этилган бу тўгарак аъзолари бугун 11-синфда ўқимоқдалар. Улар саҳнада ўйнаган дастлабки асар В. Тендряковнинг «Хайрлашув кечаси» асари асосида бўлиб, яқинда бу спектакль шаҳримиздаги 179-мактабда 50-марта намойиш қилинди.

«Қалбингга қулоқ сол» асарининг қўйилганига эса ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин бугунгача намойиш қилинган спектаклларнинг ўзиёқ асосий томошабинлар — мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари томонидан яхши қабул қилинаётир.

Муҳими шундаки, санъат оламида эндигина атак-чечак қилаётган ўқувчи-артистлар ижроси томошабинни ишонтиради, уни ўйлашга, фикрлашга мажбур этади. Улар сизга саҳнадан туриб мурожаат қилар эканлар, беихтиёр ўзингизни йўл қўйилган хатолар учун айбдордек ҳис этасиз, уларнинг келажаги учун юрагингиз ачийди. Асар қаҳрамонларидан бири: «Ҳа, биз ҳаммамиз, ўқувчилар ҳам, ўқитувчилар ҳам, ота-оналаримиз ҳам ана шу баҳонинг, олтин ва кумуш медалларнинг қулига айланиб қолдик. Мана энди бундай қарасак, йиллар давомида олган билимларимиз шубҳали эканлиги аён бўлиб қолди, чунки биз ўрганган нарсаларнинг аксарияти нотўғри, ёлғон ва сохта бўлиб чиқди», дейди. Бу сўзларда муболаға йўқ. Нега бундай аҳволга тушдик, деган савол пайдо бўлади. Бунга яна пьесанинг ўзидан жавоб топамиз: «Қаерга қарамайлик: уйда ҳам, мактабда ҳам ёлғон гапларга, бизга нисбатан сохта муносабатларга дуч келамиз. Биз ўқитувчиларни алдаймиз, улар эса бизни. Ҳаммамиз биргаликда бошқаларни алдаймиз». Ҳа, бугунги қайта қуриш, ошкоралик даврида ҳам бу каби иллатлар яшаб турибди. Болаларнинг овози бизни бу ҳақда чуқурроқ ўйлашга, ҳали кеч бўлмасдан хайрли ҳаракатлар қилишга чақиради. Дарҳақиқат, ҳали имконият бор. Гап ана шу имкондан қандай фойдаланишда қолган. Болаларнинг спектакль сўнгида жўр бўлиб айтган шеърлари ҳам сизда яхшиликка умид уйғотади:

Дунё, дунё, ўз рангингга қайт!

Спектаклнинг аҳамияти яна шундаки, тўгарак қатнашчилари саҳнада роль ижро этмайдилар, балки асарни қандай тушунган бўлсалар томошабинга шундай оддийгина намоён этадилар.

Томошадан сўнг Муқимий номидаги мусиқа театри актрисаси Гулчеҳра Обидова, Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек драма театри актрисалари Римма Аҳмедова, Доно Бобохонова, Азиза Бегматова, 179-мактаб ўқитувчиси Шаҳодат Мирсоатованинг билдирган фикр-мулоҳазаларида ҳам асар мазмунининг долзарблиги, ўқувчиларнинг табиий ижроси таъкидлаб ўтилди. Гулчеҳра Мирзаалиева, Маҳмуда Ишхўжаева, Хадича Тожиева, Ойдин Қодирова, Ғулом Набиев, Ғаффор Ҳошимов, Яшнар Файзиев, Музаффар Пирматов ижролари ҳақида самимий истаклар айтилди. Бундай яхши тилаклар Жумҳурият ўқитувчилар малакасини ошириш илмгоҳи тингловчилари ҳузуридаги томошадан сўнг ҳам айтилди.

Тўгарак аъзолари ишининг ибратли томони шундаки, улар Тошкент вилоятининг бир неча ноҳияларида, Жиззах вилоятининг Бахмал ноҳиясидаги мактабларда ҳам ўз тенгдошлари ҳузурида томошалар кўрсатиб қайтдилар. Намунали фаолиятлари учун мукофот тариқасида Украина ва Литванинг бир неча шаҳарларида саёҳатда бўлиб, ўша жойларда ҳам спектакль қўйишди. Тўгаракнинг ўз қаддини тиклашида шу мактабни оталиққа олган В. И. Ленин номидаги Тошкент метрополитени хизматчилари, айниқса, метрополитен комсомол қўмитасининг биринчи котиби Раҳим Рўзимуҳамедов яқиндан ёрдам бермоқдалар. Ёш санъатсеварлар спектакллар намойиш қилишда давом этишмоқда. Биз санъатимиз ғунчаларига камолот пиллапоялари сари дадил қадам тилаб қоламиз.

Дилором ИСМОИЛОВА.



Хитойча рақс

Суратчи: С. ВЕЛИЧКИН. (ЎзТАГ).

ТВ

28 ДЕКАБРЬ — ЖУМА

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 «Кекса эртакчи рубоийлари». Мультфильм. 11.40 «Бобур». Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи асосида кўп серияли видеофильм. 8-қисм. (такрор.). 13.00 «Қорлар». Фильм-концерт. 13.20 «Эл ардоқлаган артист». Бадиий фильм («Центрнаучфильм»).

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 «Тойчоқ». Мультфильм. 18.20 «Орзу»нинг орзулари. 19.00 Ўзбекистон ССЖ Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 19.10 «Элга хизмат: талаб ва таклиф». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Умр ўтмоқдадир...». Тўра Сулаймон лирикаси. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Умр ўтмоқдадир...». Тўра Сулаймон лирикаси (давоми). 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Бобур». Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи асосида кўп серияли видеофильм премьераси. 9-қисм.

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильм. 9.25 «Дунё болалари нималар ҳақида куйлашади». 10.10 «Кинопанорама». 12.10 «... 16 ёшгача ва ундан катталар». 12.55 Коллаж. 13.00 «Вақт».

* * *

18.40 «Покхара — сайёҳлар учун жаннат». Непалдаги кичик бир курорт ҳақида кинолавҳа. 19.00 «Вақт». 19.30 Останкино концерт студиясида Тошкент шаҳридаги 1-олий профессионал билим юртининг директори Темур Иноғомов билан учрашув. 20.30 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони» капитал томошалари 21.30 «Вақт». 22.00 Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра. 22.15 Коллаж. 22.20 «Бу бўлган... бўлганди...» 22.45 «ВИД» таништиради: «Взгляд», «Веди». «Эм-ти-ви». 01.45 «ТСН».

● МТ II

13.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «20 декабрь». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия — «ВЧК». 14.10 Е. Нестеренко концерти.

* * *

17.00 Спорт ҳамма учун. 17.15 «ССЖИда бизнес қилиш мумкинми? Ҳа, мумкин». Принстонда бўлиб ўтган иқтисодий семинар материаллари асосида (АҚШ). 18.15 **ССЖИ халқ депутатлари тўртинчи съездида.** 20.15 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Кактус ҳақида эртак». 20.30 **ССЖИ халқ депутатлари тўртинчи съездида.** 21.30 «Вақт» (сурдо таржимаси билан). 22.00 «Қорқизни чақирдингизми?» Телевизион бадиий фильм («Ленфильм»). 23.05 Коллаж. 23.10 «Телевизион мусиқий абонемент».

МУСОБАҚА ОЛДИДАН

Ўзбекистонга кубалик пианиночи Марсель Герра-Мора келди. Унинг катта концерт программасини турли даврларда яшаган ва турли услубларда ижод этган бастакорларнинг фортепьяно асарлари ташкил этади. Тошкент Давлат консерваториясининг катта залида Бах ва Скарлатти, Лист ва Шопен, Бетховен Чайковскийнинг сонаталари ҳамда пьесалари янгради.

Танқидчиларнинг фикрига қараганда, пианиночи концертнинг француз бастакорлари ижодига бағишланган қисмида, айниқса, катта ютуққа эришди. Равель, Руссель ва Пуленок асарларини ижро этишда пианиночи ўзига хос юксак маҳорат ва жозибани намойиш этди. Жаҳон фортепьяно репертуарининг энг мураккаб асарларидан бири — Ференц Листнинг «Мефисто-Вальс» ижроси томошабинларда жуда катта қизиқиш уйғотди.

Марсель Герра-Мора ўз ватанида жуда машҳур. У пианиночиларнинг Кубада ўтказиладиган А. Рольдан номли энг нуфузли конкурсининг ғолибидир. Пианиночи ана шу муваффақиятидан сўнг ССЖИга ўқишни давом эттириш учун таклиф қилинганди. Ҳозир у Ленинград консерваториясининг бешинчи курси профессор В. Калмиков синфининг талабасидир.

Кубалик пианиночи ўқиш йилларида мамлакатимизнинг турли шаҳарларида, шунингдек, Болгария ва ОФЖда ўз концертларини кўрсатди. Марсель ҳозир пианиночиларнинг Францияда бўладиган жуда катта халқаро мусобақасига тайёргарлик кўрмоқда. Тошкентда ижро этган асарлари унинг Парижидаги мусобақасида асосий ўрнини эгаллайди.

(ЎзТАГ).

Халқ санъати

«МУСАВВИР»НИНГ ТИКЛАНИШИ

Тошкентда қайта тикланган Халқ санъати уюшмаси — «Мусаввир» ҳали ёшига етганича йўқ. Лекин шу давр ичида уюшманинг 200 га яқин устаси бир миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди.

Очиғини айтганда «Мусаввир»нинг тикланиши хўп яхши иш бўлди. Уюшмага бириккан усталар кейинги пайтда унутилаёзган халқ ҳунармандчилиги билан шуғулланишади. «Мусаввир» ҳали ёш бўлишига қарамай, АҚШ, Бельгия, Сингапур ва Исроилда ўз фирма дўконини очиш тўғрисида шартнома тузишга улгурди.

— Маҳсулотларимизга шунингдек, Олмония, Испания, Марокаш, Малайзия, Ҳиндистон, Бирлашган Араб Амирлиги бизнесчи эгалари ҳам катта қизиқиш билдиришмоқда, — дейди уюшма бош директори Шоҳалил Шоёқубов. — Немис корчалонлари ўз мамлакатларида ўзбек чойхоналарини, дўконларини очишимизни таклиф этишди.

Ўзбек халқ ҳунармандчилиги кимларни ўзига ром этмаган, дейсиз. Бу ёғи кун чиқишдан тортиб, кун ботишдаги давлатларгача катта қизиқиш билан қараб келишган. Буни фақат юракдан ҳис қилмоқ, сеза билмоқ керак эди, холос ва бу масъулиятни Шоҳалил ўз зиммасига ола билди.

Тўғри, ўша пайтда улар ярим «яширин» ишлашди. Чунки давр... Ҳунармандлар, косиблар қувғинда эди: бу санъат эмас, балки диний сарқит деб тушунилди.

Ўзбек санъатшунослик олий билимгоҳининг бўлажак аспиранти Шоҳалил 1977 йилда Марказий рўзномаларнинг бирида бу фожиа тўғрисида куйиниб ёзганди. Хайриятки, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш ишига бироз бўлса-да, жамоатчилик фикрини уйғота олди, ҳатто ҳукумат томонидан махсус қарор қабул қилинишига эришилди. Халқ санъати усталари давлат ишлаб чиқариш бирлашмасини тузиш масаласи кўриб чиқилди. Бирлашмага бош-қош бўлиш Ш. Шоёқубовга топширилди ҳамда унинг жумҳуриятнинг турли шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб сафари ўшандан бошланди.

...Афсонавий жаҳонгир Темур туғилган қишлоқ Шаҳрисабздан унча узоқда эмас. Шоёқубов экспедицияси бу ерда 75 ёшли кулол Амбора буви Сатторовани «кашф» этди. У сополдан сеҳрли ўйинчоқлар, ҳуштаклар ясарди. Бухоролик 65 ёшли Ҳамро буви Раҳимованинг керамикадан ишлаган фантастик буюмлари ҳам экспедициядагиларни ром этди.

— Экспедиция ўша пайтда халқ ижодининг жуда улкан намуналарини йиғди, — деб эслайди Шоҳалил. — Бу йиғилган буюмлар 1980 йилда Базелда (Швейцария) очилган Бутунжаҳон кўргазмасида намойиш қилинди ва иккита олтин медалга сазовор бўлди. Бу даврга келиб, «Уста» бирлашмасини ва ҳунармандчилик мактабини туздик. Муҳими, рассомлик билим юртида миллий ҳунармандчилик бўлимини очишга эришдик. Бой берилган ҳунар икки-уч йил мобайнида қайта тикланди. Аввал халқ санъатининг фақат етти тури оммалашган бўлса, «Уста» ташкил қилингандан сўнг эса, бу рақам 24 тага етди.

Бироқ яна кутилмаганда фалокат юз берди. «Юқори»га «Уста» раҳбарига қарши имзосиз хатлар ёғилди. Ҳеч бири тасдиқланмаган бўлса-да, раҳбар четга сурилди. Жумҳурият Рассомлар уюшмасининг амалдорларига унинг обрўси ёқмаганди. «Уста» тарқаб кетди.

Лекин Шоҳалил диссертацияни ёқлаш билан бирга уни қайта тиклашдан умидини узмади. Ва бунга эришди ҳам. 1987 йилда «Мусаввир» ширкатини очди Унга ёш рассомлар, «эски» усталарнинг шогирдлари, рассомлик билим юртининг битирувчилари келиб бирикишди. Шундай қилиб, бу ширкат уюшмага айланди.

Бугунги кунда унинг яна бир ютуғи ҳақида бемалол гапириш мумкин: халқ ҳунармандчилигининг яна бир тури — кунга босиб нақш солиш санъати қайта тикланди. Бу ишнинг қадимий илк нусхаси бундан 250 йил муқаддам ижобат бўлганлигини ҳамма ҳам билавермаса керак.

Темур НИЗАЕВ, (ИАН)

Рўзномаларда қатнашарди...

ТОШКЕНТ адабиёт музейида очилган кўргазмада демократ шоир Фурқатнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилинади. У ажойиб ўзбек шоири таваллудининг 130 йиллигига бағишланган.

Кўргазма бўлимларининг бирида томошабинлар шоир Тошкентда яшаган, бу ерда нашр этилган Туркистон ўлкаси рўзномаси билан ҳамкорлик қилган давр билан танишадилар. Худди шу рўзномада Фурқатнинг кўплаб шеърий асарлари эълон қилинганди. Муаллиф ўз асарларида халқнинг яхши кунлар кечириши, ёруғ замонлар келиши тўғрисида орзу қилганди. Музейга келувчилар учун «Фурқат босмахонада» расми билан танишиш қизиқарли бўлади. Бу шоир қиёфаси тасвирланган унча кўп бўлмаган ранг-тасвир асарларининг биридир.

(ЎзТАГ).

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

Ёш ленинчи

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА 32-56-58.
ХАТЛАР БЎЛИМИ 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 28643.